

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ  
ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ**



**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЖАБРЛАНУВЧИНИНГ  
ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ МУҲОФАЗА  
ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ПРОКУРАТУРА  
ОРГАНЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.**

**Бажарди:** Марксов Ислон  
**Илмий раҳбар:** ю.ф.д., проф. Ф.Х.Рахимов

Тошкент – 2022 йил

## **ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЖАБРЛАНУВЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.**

### **КИРИШ**

#### **I БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЖАБРЛАНУВЧИ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИГА ДОИР НОРМАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

1.1. Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқий мақомига доир нормалар шаклланишининг тарихий-ҳуқуқий асослари ва босқичлари

1.2. Жабрланувчининг ҳуқуқий мақоми: назарий-ҳуқуқий масалалар

I БОБ бўйича хулоса

#### **II БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЖАБРЛАНУВЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

2.1. Терговга қадар текширув ва дастлабки терговда жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоясини таъминлашда прокурор назоратини ташкил қилиш асослари

2.2. Судларда жиноят ишлари кўрилишида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда прокурор иштироки самарадорлигини оширишнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари

2.3. Суд қарорларини ижро қилишда жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда прокурор назоратини самарали ташкил қилиш масалалари

II БОБ бўйича хулоса

#### **III БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЖАБРЛАНУВЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ**

3.1. Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир халқаро стандартларни миллий қонунчиликка тадбиқ қилиш масалалари

3.2. Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича айрим хорижий давлатларда прокуратура органларининг фаолиятининг қиёсий таҳлили

III БОБ бўйича хулоса

### **ХУЛОСА**

Фойдаланилган адабиётлар

## КИРИШ

### Магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблиги.

Дунёдаги барча давлатларнинг миллий қонунчилигида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, хусусан шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва кадр-қимматини турли жинойий тажовузлардан ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида “инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос кадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлиги“ эътироф этилган<sup>1</sup>.

Бу борада Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, унинг шаъни ва кадр-қимматини муҳофаза қилишга бугунги кунда давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ёндошилмоқда.

Жумладан, мамлакатимизни 2017—2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари қабул қилинди<sup>2</sup>.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фуқаролар ва инсонларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга бугунги кунда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда, айниқса дастлабки терговда бузилган ҳуқуқларни тиклаш билан боғлиқ қатор масалалар мавжуд.

---

<sup>1</sup>Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил 10 декабрь)/ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси// <http://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон

Бу борада Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ҳақли равишда қайд қилганларидек, “Энди суд орқали инсонларнинг ҳуқуқи тикланганини эътироф этиш билан чекланиб қолмасдан, нима сабабдан судгача бўлган тергов жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган, деган саволни ҳам кўндаланг қўядиган, тазйиқлар учун жавоб берадиган вақт келди”<sup>3</sup>.

Мазкур йўналишда айниқса, жиноят ишларининг дастлабки тергов ва судларда жиноят ишлари кўрилишида, шунингдек, суд қарорларини ижро қилишда жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишга оид қонунчилик ижросини таъминлаш тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Бу борада ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қиладиган бўлсак, бугунги кунда жиноят процессидаги қуйидаги тенденциялар жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда прокуратура органларининг фаолиятини такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

**Биринчидан**, судларда жиноят ишларининг кўриш ҳажмининг ошиб бориши жиноят ишларидан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш билан боғлиқ фаолиятни оптималлаштиришни талаб қилмоқда.

Хусусан, биргина ўтган 2021 йилнинг 12 ойи давомида Ўзбекистон Республикаси бўйича судларда 61.263(38.137) нафар шахсга нисбатан 47.657(30.282) та ишлар кўриб чиқилиб, жиноят ишларининг ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 57 фоизга ошган.

Шунингдек, 2021 йилда судлар томонидан 45.010(27.999) нафар шахсларга нисбатан айблов ҳукмлари чиқарилиб, судланган шахслар сони 17.011 тага ёки 60 фоизга ошган.

Судларда жиноят ишларини кўриш якунига кўра 2021 йилда 2707(1747) нафар шахслар суд залидан қамоққа олинган<sup>4</sup>.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга 25.01.2020 йилдаги Мурожаатномаси// <http://uza.uz/posts/3329>

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судларнинг 2018-2020 йиллар ҳамда 2021 йил асосий кўрсаткичлари бўйича ҳисоботи// <https://stat.sud.uz/>

**Иккинчидан**, бугунги кунда терговга қадар текширув жараёнида ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар оқибатида жабрланган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклашнинг процессуал механизмлари самарали фаолият кўрсатмаяпти.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 2-моддасида жиноят процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари кўрсатилган бўлиб, унга кўра, жиноят процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборат эканлиги белгиланган.

Юқорида таҳлил қилинган ҳолатлар жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш билан боғлиқ қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти масалаларини таҳлил қилиш ҳамда бу борада қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишга маъсул бўлган прокуратура органларининг алоҳида роли мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу магистрлик диссертациясида **жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишда прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалаларини таҳлил қилишга қарор қилинди.**

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг процессуал жиҳатлари республикамиз ва хорижий давлатлар олимлари томонидан муайян даражада ўрганилган.

Хусусан, мамлакатимиздаги ҳуқуқшунос олимлардан Б.Т. Акрамходжаев<sup>5</sup>, А.А. Касимов<sup>6</sup>, С.М.Ачилов<sup>7</sup>, Т.Р.Тураевалар<sup>8</sup> томонидан мавзу монографик даражада тадқиқ этилган.

---

<sup>5</sup>Акрамходжаев Б.Т. Обеспечения прав и законных интересов потерпевшего на предварительном следствии. автореф.дисс. ...канд.юрид.наук.-М.,1992.-22 С.

Ушбу тадқиқот ишларидан Б.Т. Акрамходжаев ва А.А. Касимовларнинг илмий ишлари 1959 йилда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодекси асосида амалга оширилган.

С.М.Ачилов ва Д.Р.Тураевларнинг илмий тадқиқот ишларида жиноят-процессида жабрланувчининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларга кўпроқ урғу берилган.

Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари МДХ давлатлари олимларидан Л.В. Вавилова<sup>9</sup>, Н.Н. Василенко<sup>10</sup>, О.В. Голиков<sup>11</sup>, Е.В. Демченколар<sup>12</sup> томонидан алоҳида илмий тадқиқот иши доирасида ўрганилган.

Ушбу тадқиқот ишларидан магистрлик диссертациясини тайёрлаш жараёнида муайян даражада таҳлилий ёндошган ҳолда кўриб чиқилди.

**Магистрлик диссертациясининг мақсади** қонунчилик ҳужжатларини таҳлил қилиш, жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий муаммоларни таҳлил қилиш, жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг фаолиятидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш, қонунчилик базасини такомиллаштириш ҳамда жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг фаолиятини

<sup>6</sup>Касимов А.А. Потерпевший по уголовно-процессуальному законодательству Узбекской ССР. Автореф. Дисс. ...канд. юрид. наук. Ташкент, 1965.-25 с.

<sup>7</sup>Ачилов С.М. Усиления защиты прав потерпевшего в уголовном процессе. Монография/ под общей редакцией д. ю. н., проф. Г. Абдумажидова.-Т.:ТГЮИ, 2011. – 156 с.

<sup>8</sup>Тураева Д.Р. Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштириш. юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.2020.

<sup>9</sup>Вавилова Л.В. Организационно-правовые проблемы защиты жертв преступлений (по материалам зарубежной практики). дисс. канд. юрид. наук.-М. 1995.

<sup>10</sup>Василенко Н.Н. Правовое положения потерпевшего в уголовном процессе России. дисс. канд. юрид. наук. М.2005.

<sup>11</sup>Голиков О.В. Совершенствование российского законодательства в сферы защиты потерпевшего в уголовном процессе. дисс. канд. юрид. наук. М.2003.

<sup>12</sup>Демченко Е.В. Участия потерпевшего и его представителя в доказывании. дисс. канд. юрид. наук.-М.2001.

такомиллаштириш юзасидан илмий-асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:** ушбу мақсадга эришиш учун қуйидагилар асосий вазифалар қилиб белгиланди:

- жиноят процессида жабрланувчи институтига тегишли ҳуқуқий нормаларнинг мазмунини илмий жиҳатдан ёритиб бериш;

- жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни тартибга солувчи амалдаги қонунчиликни таҳлил қилиш;

- жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиётини тадқиқ қилиш;

- жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг фаолиятини такомиллаштиришга оид хорижий тажрибани ўрганиб чиқиш;

- жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг фаолияти қонуний асосларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг фаолиятини амалга оширишда вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар мажмуаси тадқиқот объекти ҳисобланади.

Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича жиноят-процессуал муносабатлар субъектларининг фаолияти ҳамда уни амалга оширишнинг процессуал хусусиятлари тадқиқот предметини ташкил этади.

**Тадқиқот методлари.** Тадқиқот жараёнида илмий билишнинг кузатиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, мантиқий, тарихий, социологик,

шунингдек илмий манбаларни ўрганиш, жиноят ишларини таҳлил қилиш каби усулларидан фойдаланилган.

Халқаро ҳуқуқнинг илғор нормалари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари, Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларининг жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид меъёрий-ҳуқуқий актлари тадқиқотнинг норматив-ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Илмий ишда қатор хориж мамлакатларининг жиноят-процессуал қонунчилик ҳужжатларидан ҳам фойдаланилган.

Тадқиқотнинг назарий асосини олимларнинг ҳуқуқнинг умумий назарияси ва тарихи, жиноят процесси, криминалистика, фалсафа ва бошқа соҳалардаги илмий ишлари ташкил этган.

Шунингдек, ишнинг хулоса қисмида умумназарий методлар ҳамда илмий методлар: тарихий, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли ва таркибий ёндашув, расмий-юримдик, статистик, мантиқий усулларидан фойдаланилган ҳолда тегишли тавсиялар илгари сурилди.

**Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги** шундан иборатки, унда юримдик фанда илк бор жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича илмий-назарий муаммолар ўрганиб чиқилган ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, тадқиқот янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:

- мазкур тадқиқот иши мавзусига оид муаллифнинг қатор таърифлари келтирилган;

- жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг фаолиятини такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотлар тизими кенгайтирилган;



- жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг фаолиятини такомиллаштиришга доир амалиётда мавжуд муаммолар ўрганилди;

- жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг фаолиятини такомиллаштиришнинг қонуний, назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар аниқланди ва илмий асосланди.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Магистрлик диссертацияси доирасида олиб борилган ушбу тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти муаллиф томонидан тадқиқот натижаларининг қуйидаги аспектларда қўлланиши билан белгиланади:

а) илмий-тадқиқот – жиноий процессининг жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид қисмининг назарий асосларини бойитиш масалаларида;

б) амалий–жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органлари фаолиятида;

г) ўқув-таълим–мамлакат ҳуқуқшунослик олий таълим муассасаларида тегишли ўқув-методик қўлланма ва илмий-тадқиқот ишларини тайёрлаш жараёнида.

**Магистрлик диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 7 та параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, ишни расмийлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида магистрлик диссертациясини расмийлаштириш борасида белгиланган талаблар ҳисобга олинган.

## **I БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЖАБРЛАНУВЧИ ХУҚУҚИЙ МАҚОМИГА ДОИР НОРМАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **1.1. Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқий мақомига доир нормалар шаклланишининг тарихий-ҳуқуқий асослари ва босқичлари**

Мамлакатимизда жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқий мақомига доир нормалар шаклланиши бир неча минг йиллик давлатчилик тарихи билан узвий боғлиқдир.

Давлатчилик тарихининг турли босқичларида ҳуқуқ манбаларининг мазмуни ва давлатнинг инсон ҳуқуқларига бўлган сиёсати, шунингдек, жиноят процессининг шаклларига мувофиқ равишда, жабрланувчининг ҳуқуқий мақоми ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳолда ривожланиб келган.

Шубҳасиз бу борада кўриб чиқиладиган тарихий-ҳуқуқий манбалар тизимида ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган бундан қарийб уч минг йил муқаддам Хоразм воҳаси ҳудудида яратилган, «Авесто» деб аталган бебаҳо маънавий обида алоҳида ўрин тутди.

Авестошунос олим М. Исмоилов изланишларига кўра, Авестонинг 8-наски “Ҳуқуқий масалалар”; 16-наски эса “Адлия ва ҳарбий қонунлар, никоҳда қариндошликка қарши қонунлар, диннинг асосий аҳкомлари”га бағишланган<sup>13</sup>. Шу билан бирга Авестода жиноят ва жазо масалалари ҳам атрофлича тартибга солинган.

Жумладан, «Авесто»нинг «Вандидот» қисмининг 5-бобида уй ҳайвонларига зиён етказган киши 10.000 та руҳиятни тетиклаштирадиган ўсимлик барги териб бериш лозимлиги, шунингдек, у 1000 та эчкиэмар,

13 Бобоев Х, Дўстжонов Т, Хасанов С. «Авесто»- Шарҳ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги. -Т.: ТМИ, 2004. –Б.13.

1000 та сув қўнғизи, 1000 та касал тарқатувчи пашшани ўлдириб гуноҳини ювиши лозимлиги белгиланган<sup>14</sup>.

Мамлакатимизга ислом дини кириб келгандан сўнг жиноятдан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари мусулмон ҳуқуқи манбалари - Қуръон, Ҳадис, Ижмоъ, Қиёс билан тартибга солина бошлади.

Ушбу қайд қилинган диний манбаларда жиноят содир этган шахс жабрдийдага товон тўлагани учун жабр кўрган тараф уни кечириб, суддан айбдорни жазодан озод қилишини талаб қилишга ҳақли бўлган. Жумладан, Бурхониддин Марғилонийнинг «Ҳидоя» асарида товон ҳақи жазо сифатида қўлланилгандан сўнг уни айбдор уч йил мобайнида тўлаши лозим, деб кўрсатилган.

Ислом қонунчилигида жабрланувчининг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклашда товон тўлашга алоҳида аҳамият берилган. Агарда жабрланувчи ярашувга рози бўлмаса, айбланувчига нисбатан етказилган зарар бараварида қасос олиш ҳолати мавжуд бўлган. Агарда ярашувга рози бўлса, хун (дийа) тўлаши лозим бўлган. Тўкилган қон учун 6 турдаги хунни тўлаш вазияти мавжуд бўлган, яъни 6 ёшдан ошган 100 туя, ёки 200 хўкиз, ёки 1000 қўй ёки 1000 мисқол олтин ёки 1000 кумуш дирҳам пул тўлаш талаб қилинган. Жиноят иши жабрланувчининг оғзаки аризасидан бошланган ҳолда, қози жабрланувчининг жиноят процессида бевосита иштирок этишини таъминлаган<sup>15</sup>.

Мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунчилигида жабрланувчининг ҳуқуқий мақомига доир нормаларнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи ҳақида сўз борганда албатта Амир Темур ва Темурийлар салтанати ҳамда ўз даврининг муҳим тарихий-ҳуқуқий манбаи бўлган<sup>16</sup> «Темур Тузуклари» хусусида тўхталиб ўтиш даркор.

<sup>14</sup> М.Хамидова. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи/Масъул муҳаррир: Ҳ.Б.Бобоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти. 2004. Б.30

<sup>15</sup> Хидоя. Комментарий мусулманского права. Перевод с англ. Под ред. Н.И.Гродекова.-Т.: 1893.-Б.65.

<sup>16</sup> Маматов Х.Т. Темур Тузукларида давлат ва ҳуқуқ масалалари. Юрид. фан. ном. дисс... автореф. –Т., 2000.

Ҳуқуқшунос олим Х.Маматов ўзининг «Темур Тузукларида давлат ва ҳуқуқ масалалари» номли илмий ишида «Амир Темур тузукларини тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш шунинг кўрсатдики, энг аввало унинг тилида (матнида) кенгашдим, амр қилдим, ҳукм қилдим каби ибораларнинг кўп учраши унинг ҳуқуқий характерини очиқ беради. Унда давлат, фуқаролик, молия, жиноят ва бошқа ҳуқуқ тармоқлари бўйича маълум нормалар мавжуд», деб таъкидлаб ўтади.

“Темур Тузуклари”га кўра жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда етказилган зарарни бартараф қилиш орқали ҳуқуқбузарларни қайта тарбиялаш ва жазодан озод қилишга алоҳида аҳамият берилган.

Ўрта асрларга келиб, марказлашган давлатларда монарх ҳокимиятининг таъсири кучайиши натижасида жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш билан боғлиқ ваколатлар, яъни айблов ва жазолаш функциялари сиёсий етакчилар қўлида тўплана борган ва улар ўзининг хоҳишига кўра мазкур ҳуқуқлардан фойдаланган<sup>17</sup>.

Мамлакатимизда XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб, Чор Россияси ҳукмдорлиги ўрнатилиши билан жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминловчи қонунчилик тизимида ҳам тегишли ўзгаришлар амалга оширилди.

Бу борада 1832 йилда Россия империясида қабул қилинган “Жиноят қонунлари тўплами”га кўра жиноят содир қилган шахсларни аниқлаш, жабрланувчиларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини амалга оширувчи ҳамда суд органларининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

---

–Б.17.

<sup>17</sup> Марогулова И.Л. Амнистия и помилование в российском законодательстве. М., 1998. С. 8.

Бу борада жабрланувчи шикоят ва аризалар билан мурожаат қилишга, ўзига етказилган зарарни тўла ҳажмда айбдор шахслардан ундириб олишга ваколатли бўлган.

Жабрланувчининг аризаси жиноят ишларини бошлаш учун асос бўлиб ҳисобланган.

Бундан ташқари, жабрланувчи муайян жиноят ишларини тергов ва суд қилиш давомида ҳуқуқбузар билан ярашиши ҳам мумкин бўлган. Одатда бу тоифадаги ишларга шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаш билан боғлиқ бўлган унча оғир бўлмаган жиноятлар киритилган<sup>18</sup>.

1864 йилнинг 20 ноябридан бошлаб Россия империясида жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқий мақомини белгилашда император Александр II томонидан тасдиқланган Суд Уставлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур уставлар бўйича жиноят ишларини кўриб чиқишда жиноят процессида тортишувчилик тамойилига хос нормалар киритилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шу билан бирга олим В.П.Даневскийнинг фикрича, Уставларда кўзда тутилган нормаларни жиноят ишларини кўриб чиқишда тортишувчиликни тўлиқ таъминлади деб айтишга асос бўлмайди.

Унинг фикрича, айниқса дастлабки терговда жиноят ишларини юритишда тортишувчилик тамойили умуман мавжуд бўлмаган<sup>19</sup>.

Бу борада олим Л.Я.Таубернинг фикрича, жиноят ишларини кўриб чиқувчи судлар зиммасига айбловни қувватлаш билан боғлиқ вазифалар юклатилган<sup>20</sup>.

---

<sup>18</sup>Баршев Я. И. Основания уголовного судопроизводства с применением к российскому уголовному судопроизводству. М., 2001. С. 83

<sup>19</sup>Даневский, В. П. Наше предварительное следствие, его недостатки и реформа/. – М.: Высочайше утв. Т-во Скоропечатни А. А. Левенсон, 1895. С.6

<sup>20</sup>Таубер Л. Я. Иск, обвинение и состязательное начало (Процессуальные параллели) // Вестник гражданского права. 1917. № 1. С. 78–81.

Уставлар бўйича айрим олимларнинг фикрича эса, уларнинг камчиликларидан яна бири суд муҳокамасига кам эътибор берилганлиги билан боғлиқ бўлган<sup>21</sup>.

Албатта мазкур олимларнинг фикрига ҳурмат билан ёндошган ҳолда айтиш лозимки, қабул қилинган Уставлар жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, шу жумладан жабрланувчининг бузилган қонуний манфаатларини тиклашда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг масъуллиги белгилаганлиги билан эътиборга моликдир.

Хусусан, бу борада Жиноят суд ишларини юритиш бўйича Уставларга кўра жиноят ишларини юритишда жиноий таъқиб қуйидаги шаклларда амалга оширилиши белгиланди:

- Оммавий жиноий-ҳуқуқий таъқиб;
- Оммавий-хусусий жиноий таъқиб;
- Хусусий жиноий таъқиб.

Ҳуқуқшунос олим В.В.Олейникнинг фикрича, Устав муаллифлари томонидан жиноий таъқиб шаклларини ажратишда жиноий тажовуз қаратилган манфаатлар доираси асосий мезон сифатида белгиланган.

Унга кўра муайян камчиликлар билан боғлиқ бўлган жиноятлар ва аниқ бир шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига қарши бўлган жиноятлар жамиятнинг хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятлар билан бир қаторда кўрилиши мумкин эмас<sup>22</sup>.

Ушбу асосга кўра Уставда жиноий таъқибни амалга оширувчи ва айбловни қувватловчи субъектларнинг дифференциация қилиниши лозимлиги белгиланди.

Унга кўра айбловни қувватловчи прокурорлар фақатгина хусусий шахснинг манфаатлари билан боғлиқ бўлган жиноятлар юзасидан жиноий таъқибни бошлаш ваколатига эга бўлмаганлар.

---

<sup>21</sup>Фойницкий И. Я. Курс уголовного судопроизводства. Т. I.C. 63–64

<sup>22</sup>Олейник В.В. Участие потерпевшего в уголовном преследовании. Дисс... на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Хабаровск. 2020.С 44.

Оммавий-хусусий жиноий таъқиб асосида амалга ошириладиган ишлар бўйича жиноят иши қўзғатиш оммавий ҳуқуқ субъектларининг ваколати бўлсада, жиноят ишини юритишнинг кейинги босқичи, яъни айбловни амалга ошириш ва жазо тайинлаш бевосита жабрланувчиларнинг истаги бўйича амалга оширилган<sup>23</sup>.

Хусусий айблов билан боғлиқ жиноят ишлари бир қатор судларда кўриб чиқилган.

Хусусан, умумий юрисдикция судларида бу тоифадаги ишларни кўришда дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш талаб қилинмаган, бироқ, шу билан бирга судлар мазкур тоифадаги ишларни кўришда далилларни ўрганиб чиқиши ва тегишли асосларсиз жиноят ишини тугатмаслиги лозим бўлган<sup>24</sup>.

Округ судлари иш юритувига тегишли бўлган хусусий айбловга тааллуқли ишларда дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш лозим бўлган.

Ярашув (мировой) судларида жабрланувчилар хусусий тартибда айбловни қувватлашни амалга оширганлар. Бу борада жабрланувчилар хусусий жиноий-таъқиб тартибда кўриб чиқиладиган ишлардан ташқари, ўз шикоятлари асосида қўзғатилган оммавий-жиноий ҳуқуқий таъқиб қилинадиган ишлар (махсус уставларни бузиш билан боғлиқ жиноятлар бундан мустасно) бўйича ҳам айбловни қувватлаганлар.

Шу билан бирга ярашув (мировой) судларида полиция ходимларининг муурожаатларига асосан қўзғатилган ишларда айблов тегишли полиция ходимлари томонидан амалга оширилган<sup>25</sup>.

Жиноят суд ишларини юритишда жабрланувчи сифатида жисмоний ва юридик шахслар жалб қилинган. Бундан ташқари, ишда жабрланувчининг

---

<sup>23</sup>Судебные уставы 20 ноября 1864 года, с изложением разсуждений, на коих они основаны. Часть вторая. СПб., 1866. С. 28.

<sup>24</sup>Голубцов А. К вопросу о делах частного обвинения // Журнал Министерства юстиции. 1900. № 10. С. 139.

<sup>25</sup>Бутовский А. Участие потерпевшего и полиции в судебно-мировом процессе // Вестник права. 1903. № 1. С. 189–191

қонуний вакили сифатида ота-онаси, турмуш ўртоғи ва бошқа оила аъзолари иштирок этиши мумкин бўлган<sup>26</sup>.

Россия империясида ушбу даврда амалда бўлган қонун ҳужжатлари таҳлилидан шуни кўриш мумкинки, қонунларда жиноятдан жабрланган шахслар билан бирга жиноий тажовуз хавфига учраган шахсларни ҳам муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилган.

Хусусан, бу борада ҳуқуқшунос олим А.К.Резоннинг фикрича, қонун ҳужжатларига кўра зарар тушунчаси мулкӣ ҳуқуқларнинг бузилишидан ташқари, шахсий ҳуқуқларнинг бузилишини ҳам қамраб олган<sup>27</sup>.

Бу борада жиноят суд ишларини юритиш бўйича Уставнинг 303-моддасига кўра жабрланувчи томонидан юқорида қайд қилинган ҳуқуқларнинг бузилиши тўғрисида ёзма мурожаат қилиниши полиция томонидан дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш учун асос бўлиб ҳисобланган.

Жабрланувчининг аризаси бўйича кўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилган жиноят ишлари бўйича жиноят аломатлари аниқланмаган ҳолатларда жиноят ишлари суднинг рухсати билан тергов органи томонидан тугатилган.

Жиноят суд ишларини юритиш тўғрисидаги Уставнинг 304-моддасига кўра жабрланувчи қуйидаги процессуал ҳуқуқларга эга бўлган:

- Жиноят иши бўйича гувоҳларни жал қилиш;
- Барча тергов ҳаракатларида иштирок қилиш;
- Терговчининг рухсати билан айбланувчи ва гувоҳларга саволлар бериш;
- Ўз эътирозига сабаб бўлган ҳолатлар юзасидан далиллар келтириш;
- Ўз ҳисобидан жиноят иши юритилаётган ҳужжатлардан нусхалар олиш.

<sup>26</sup>Познышев, С. В. Элементарный учебник русского уголовного процесса / С. В. Познышев. – М.: Тип. Г. А. Лемана, 1913. С.72

<sup>27</sup>Резон, А. К. О потерпевшем по Уставу уголовного судопроизводства/ А. К. Резон // Юридическая летопись. – 1892. – № 12. – С. 364.



Жиноят суд ишларини юритиш тўғрисидаги Уставга 1883 йилда киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ, судлар томонидан тугатилган жиноят ишлари бўйича жабрланувчилар бир ой муддатда юқори турувчи судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Хусусий айблов тартибида юритиладиган жиноят ишлари бўйича суд муҳокамасига жабрланувчининг ёзма шикоятига айблов акти сифатида ёндошилган.

Бироқ, шу билан бирга олимларнинг фикрича, хусусий айблов тартибида ишларнинг кўрилишида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини фақатгина ўзи томонидан ҳимоя қилиниши унинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун етарли бўлмаган. Бу борада суд процессларида айблов томонидан жалб қилинган профессионал ҳимоячи-адвокатларнинг иштирокида далилларнинг кўриб чиқилиши жабрланувчилар учун қатор қийинчиликлар туғдирган<sup>28</sup>.

Шу муносабат билан ХХ асрнинг бошларида империя адлия вазири Н.В.Муравев раҳбарлигида фаолият кўрсатувчи комиссия томонидан ишлаб чиқилган жиноят суд ишларини юритиш бўйича Уставнинг янги лойиҳасида хусусий айблов тоифасидаги ишлар бўйича айбловни қувватлаш функциясини жабрланувчининг розилиги билан прокуратурага ўтказиш бўйича нормалар белгиланган эди<sup>29</sup>.

Бироқ, ушбу таклифлар қонун чиқарувчи томонидан маъқулланмасдан, фақатгина 1912 йилда жиноят суд ишларини юритиш тўғрисидаги уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра хусусий айблов билан боғлиқ ишларда судларга далиларни тўплаш билан боғлиқ ваколатлар тақдим этилди.

Жиноят суд ишларини юритиш тўғрисидаги уставнинг 6-моддасига кўра жабрланувчи фуқаровий даъвогар мақомига ҳам эга бўлган.

<sup>28</sup>Случевский, В. К. Учебник русского уголовного процесса. Судостройство – судопроизводство. 3-е изд., перед. и доп. / СПб.: Тип. М. М. Стасюлевича, 1910.С.493

<sup>29</sup>Случевский В. К. Учебник русского уголовного процесса. Судостройство – судопроизводство. 3-е изд., перед. и доп. СПб., 1910. С. 493

Бу борада жабрланувчи тегишли судларга мурожаат қилган ҳолда ўзига етказилган зарарни ундириб олиш ҳуқуқига эга бўлган.

Мазкур қоидалар мамлакатимизда совет ҳокимият ўрнатилгангунга қадар бўлган даврда амал қилган ҳолда, жабрланувчининг ҳуқуқий мақомини белгилаб берган.

Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқий мақомини белгилашга оид илк ҳуқуқий нормалар 1917 йил 7 декабрда эълон қилинган “Судлар тўғрисида”ги декретда ўз аксини топди. Мазкур декретга мувофиқ, шу вақтга қадар фаолият кўрсатган барча суд органлари ва судлар ҳузуридаги муассасалар фаолияти бекор қилинди. Эски суд тизимни бекор қилган мазкур декрет нормалари эндиликда судлов вазифаларини амалга ошираётган органлар томонидан жабрланувчининг процессуал мақомига оид нормаларни белгиламади.

Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқий мақоми бўйича мазкур “ҳуқуқ бўшлиғи” ҳолати анча йиллар давом этиб, жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш турли давлат органлари(милиция органлари, волост ва қишлоқ бошқарувчилари)томонидан амалга оширилиб келинди<sup>30</sup>.

XX асрнинг 20-йилларида мамлакатда бир қанча соҳалар бўйича кодекслар қабул қилинди. Жумладан, 1923 йил 15 февралда қабул қилинган РСФСР ЖПКда жабрланувчининг ҳуқуқий мақомига доир бир қатор ҳуқуқий нормалар белгиланди.

Мазур нормаларга кўра эндиликда жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда суд органларининг ваколатлари кенгайтирилди.

Унга кўра судлар суд муҳокамаси давомида ишнинг барча ҳолатларига аниқлик киритишлари, лозим бўлган ҳолларда иш ҳужжатларини тергов органларига қайтаришлари белгиланди.

---

<sup>30</sup> Бессарабов В.Г Прокурорский надзор. Учебник .М.: Изд-во Проспект. 2007.-С.259

Бундан ташқари, судлар ишни кўриш давомида ўз ташаббуси билан янги далиллар тўплаши, бевосита жиноят иши қўзғатиши, дастлабки тергов органи томонидан қўйилган айблов доирасини ўзгартириш каби ҳуқуқларга ҳам эга бўлдилар.

Судларда жиноят ишлари кўрилишида айбловни махсус ваколатли шахслар томонидан амалга оширилиши борасидаги тартибга ҳам ўзгартиришлар киритилди.

Эндиликда, кодекс талабларига кўра суд айбловни қувватлаш лозим деб топган ҳоллардагина айбловни қувватлашга тегишли давлат органлари жалб қилинган.

Мазкур норма амалга киритилгандан кейин 1924 йилда судларда кўрилган ишларнинг 2,6 фоизда айблов прокурорлар томонидан қувватланган<sup>31</sup>.

Суд ишларни кўриб чиқишда прокуратура органларидан бошқа органларни хусусан, тергов органлари ва бошқа давлат ташкилотларини жамоат айбловчиси сифатида айбловни қувватлашга жалб қилинган<sup>32</sup>.

Айтиш лозимки, мазкур даврда жабрланувчининг ҳуқуқий мақомига доир нормалардаги асосий ўзгариш жиноий таъқибни бошлаш учун, яъни жиноят иши қўзғатиш ва кейинги тергов ҳаракатларини ўтказишда жабрланувчи ваколатларининг қисқариши ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ваколатларининг кенгайиши билан боғлиқ бўлди.

Мазкур жараёнда жиноят процессига оммавий манфаатларни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг муҳим институти сифатида ёндошилди.

Ушбу даврдаги совет ҳуқуқи намоёндаларининг фикрича, жиноят-процессуал қонунчилигидаги хусусий айбловга доир нормалар социалистик

---

<sup>31</sup>Олейник В.В. Участие потерпевшего в уголовном преследовании. Дисс...на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Хабаровск. 2020.С 52

<sup>32</sup> Ундревич В. С. Права и функции сторон по Уголовному Кодексу РСФСР // Ученые Записки Саратовского государственного университета. 1926. Т. V. Вып. 3. [Отдельный оттиск]. С.67

турмушдаги майда маиший муносабатларнинг сақланиб қолганлиги билан боғлиқ бўлган<sup>33</sup>.

Мазкур қарашлар асосида айбловни қувватлашда жабрланувчининг етакчи роли мутлақо инкор қилинди.

Хусусан, бу борада Н.Н.Полянскийнинг фикрича, давлат айбловини қувватлашда жабрланувчининг фикрига асосланган ҳолда процессуал ҳаракатларни амалга ошириш давлат функцияларини ижро қилиш ва айбланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда бирёқламаликка олиб келади<sup>34</sup>.

Социалистик ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш жараёнида давлатнинг ролига устувор аҳамият берилиши муносабати билан жиноят процессида жабрланувчининг бир қатор ҳуқуқлари чекланишига йўл кўйилди.

Хусусан, юқорида қайд қилинган РСФСР ЖПК нормаларига кўра эндиликда жабрланувчининг шикоят жиноят ишини кўзғатиш учун асос ҳисобланмасдан балки, оддий мурожаат сифатида кўриб чиқилиб, кўриб чиқиш натижаларига кўра суриштирувчи, прокурор ва терговчи жиноят аломатлари аниқланмаган ҳолларда, жиноят иши кўзғатишни радқилиш ҳақида қарор қабул қилган.

Мазкур қарор бўйича жабрланувчи 7 кунлик муддат ичида судга шикоят қилиши мумкин бўлган.

Шунингдек, фақатгина жабрланувчининг шикояти асосида кўзғатиладиган жиноят ишларининг доираси кескин равишда қисқартирилган.

Бу борада фақатгина шахсга қасддан енгил тан жароҳати етказиш, шахсни ҳақорат қилиш ва туҳмат каби ҳолатларда жабрланувчининг аризаси талаб қилинган. Жабрланувчининг тергов ҳаракатларида иштирок этиш

---

<sup>33</sup>Строгович М. Уголовные дела, возбуждаемые по жалобе потерпевшего // Еженедельник советской юстиции. 1926. № 41. С. 1185

<sup>34</sup> Полянский, Н. Н. Процессуальные права потерпевшего / Советское государство и право. – 1940. – № 12. – С.66

хуқуқи бекор қилиниб, фақатгина гувоҳ ва экспертларни жалб қилиш зарурлиги хусусида илтимоснома киритиш хуқуқи сақланиб қолган.

Бундан ташқари, давлат органларининг розилигисиз жабрланувчи билан ярашув асосида жиноят ишларининг тугатилиши ҳам бекор қилинди.

Бу борада РСФСР Олий судининг 1927 йил 17 январдаги қарорига кўра хусусий айбловга тегишли бўлган жиноят ишлари бўйича оммавий манфаатлар зарурати туфайли прокурор жиноят иши қўзғатиши мумкинлиги белгиланди.

Бутуниттифоқ марказий Ижро Қўмитасининг 1928 йил 8 августдаги Қарорига кўра судлар хусусий айблов билан боғлиқ ишларда давлат манфаатлари тақозо этган ҳолларда ярашув асосида ишларни тугатмаслик хуқуқига эга бўлдилар.

Бундан ташқари, жабрланувчини фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш жабрланувчининг сўровига биноан терговчи томонидан қабул қилинган қарор асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Фуқаровий даъвогар сифатида жабрланувчининг терговчини рад қилиш, жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарор бўйича шикоят қилишга доир хуқуқлари қонунчиликда белгиланди.

Фуқаровий даъвогар сифатида эътироф этилмаган жабрланувчилар суд қарорлари устидан шикоят қилишга ҳақли эмасликлари белгиланди.

Мазкур нормалар 1959 йилда иттифоқда янги жиноят ва жиноят-процессуал кодекслари қабул қилингунга қадар бўлган даврда амалда бўлди.

Ўзбекистонда 1959 йилда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодексига кўра жиноят процессида жабрланувчининг хуқуқий мақомига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, эндиликда жиноят натижасида моддий, маънавий ва мулкӣ зарар кўрган шахслар тегишли терговчининг қарори билан жабрланувчи деб эътироф қилиниши белгилаб қўйилди.

Мазкур даврда Иттифоқ олий суди томонидан 1985 йил 1 ноябрда қабул қилинган “Жиноят суд ишларини юритишда жабрланувчининг

иштирокини тартибга солишга доир қонунчиликни судлар томонидан қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 16-сонли Қарорига кўра фақатгина жисмоний шахслар жабрланувчи сифатида эътироф этилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди<sup>35</sup>.

Олдинги кодексдан фарқли равишда ушбу кодексда жабрланувчининг жиноят иши бўйича кўрсатма бериш, далиллар тақдим қилиш, илтимосномалар киритиш, дастлабки тергов якунлангандан кейин иш материаллари билан танишиб чиқиш, суд муҳокамасида далилларни текширишда иштирок қилиш, процессда ишни юритаётган шахсларни рад қилиш, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва суднинг ҳукмлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқлари белгилаб қўйилди.

Шунингдек, эндиликда хусусий айблов бўйича жиноят ишларида жабрланувчи билан ярашувга эришилган ҳолларда судлар томонидан ишларни тугатишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланди.

Ушбу ўзгартиришлар юзасидан айрим олимларнинг фикрича, жабрланувчи эндиликда жиноят процессининг тўлақонли аъзоси сифатида иштирок этиш имконига эга бўлди<sup>36</sup>.

Жабрланувчининг ҳуқуқий мақомига доир нормалар мамлакатимизда 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодекси кучга киргунга қадар бўлган даврда амалда бўлди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, иқтисодий муносабатларда давлат мулкининг устуворлиги ва яқка мафкурага асосланган совет ҳуқуқи нормалари жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга эмас, балки социалистик тузумга қарши деб ҳисобланган шахсларни жазолашга йўналтирилган эди.

---

<sup>35</sup>Олейник В.В. Участие потерпевшего в уголовном преследовании. Дисс...на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Хабаровск. 2020.С 56

<sup>36</sup>Шпилев В. Н. Участники уголовного процесса. Минск, 1970. С. 95

## **1.2. Жабрланувчининг ҳуқуқий мақоми: назарий-ҳуқуқий масалалар**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 2-моддасига кўра, жиноят- процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир.

Бу борада бизнингча, жиноят ишларининг юритишнинг жиноят- процессуал қонунларда белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга йўналтирилмоғи лозим бўлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқий мақомига доир қонун нормаларини такомиллаштиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Айтиш лозимки, кейинги йилларда мамлакатимизда Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуслари билан суд-ҳуқуқ тизимида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият даражасига кўтаришга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу ислоҳотлар жараёнида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳам муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 54-моддасига мувофиқ, жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай шахс тегишли ҳужжат (қарор ёки ажрим) билан жабрланувчи деб топилади.

Қайд қилинган кодекс талабларига кўра, жабрланувчининг ҳуқуқий мақомини таҳлил қиладиган бўлсак, унинг бир қатор ҳуқуқларга эга эканлигини кўриш мумкин.

Хусусан, жабрланувчи кўрсатув бериш; далиллар тақдим қилиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш; ўз манфаатларини химоя қилиш учун вакил олиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; суриштирув ёки дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; қонунда назарда тутилган ҳолларда ярашув тўғрисида ариза бериш ҳамда суд томонидан иш бўйича дастлабки эшитув ўтказилаётганда ва ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция, апелляция, кассация инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш; шахсан ўзи ёки вакили орқали судда айбловни қувватлаш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир.

Жабрланувчи ва унинг юқорида қайд қилинган ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз ичига олган жиноят-процессуал соҳадаги ҳуқуқий мақоми бўйича юридик фанда турлича қарашлар мавжуд<sup>37</sup>.

Бу борада ҳуқуқшунос олим Т.Безлепкиннинг фикрича, жабрланувчи деб жисмоний, маънавий, мулкӣ ёки бошқа бир турли зарар етказилган, жиноят қонунчилигида кўзда тутилган бошқа жиноий қилмиш содир

<sup>37</sup> Базарова Д.Б. Жиноят процессида жабрланувчилар ҳуқуқларининг процессуал кафолатлари// YURISPRUDENSIYA | ЮРИСПРУДЕНЦИЯ | JURISPRUDENC. №1.2022.14 б.



этилиши тугайли қонуний ҳақ-ҳуқуқлари чекланган шахс тан олиниб, у фақат жисмоний шахс бўлиши лозим<sup>38</sup>.

Демак, юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, жабрланувчининг ҳуқуқий мақоми тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд томонидан белгиланиши лозим бўлади.

Бу борада жиноят содир қилинганлиги хусусидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Келгусида жабрланувчи сифатида эътироф қилиниши мумкин бўлган шахсларнинг жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларининг процессуал мақоми юридик фандаги баҳсли масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бу борада айрим олимларнинг фикрича, шахсларнинг ўзига нисбатан ижтимоий хавfli қилмиш содир қилинганлиги хусусидаги ариза ва хабарлари жиноят ҳақидаги ахборотларнинг манбаини ташкил қилади.

Айрим олимлар, эса ушбу жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларга юридик факт сифатида ёндошиб, ушбу асосда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноят иши кўзғатиш ёки жиноят таркиби мавжуд эмаслиги асосида қарор қабул қилиши лозимлигини кўрсатиб ўтганлар<sup>39</sup>.

Бу борада айрим олимларнинг фикрича, жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар жиноят иши кўзғатиш учун сабаб ҳисобланмасдан, балки жиноят ишини судга қадар бўлган юритишда процессуал фаолиятнинг бошланиши бўлиб ҳисобланади<sup>40</sup>.

Ҳуқуқшунос олим В.В.Кожокарнинг фикрича эса, жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш ва ундаги маълумотларни текшириш асосида ҳолатга ҳуқуқий баҳо бериш асосида жиноят ишини кўзғатиш бўйича тегишли қарор қабул қилиш лозим бўлади<sup>41</sup>.

---

<sup>38</sup>Безлепкин Б.Т. Комментарий к Уголовному процессуальному кодексу Российской Федерации. Кнорус -М.: 2004. – С.71

<sup>39</sup>См.: Никольюк В. В., Кальницкий В. В., Марфицин П. Г. Стадия возбуждения уголовного дела (В вопросах и ответах): учебное пособие. Омск, 1995. С. 5; Варнавский Д. А. Проверка сообщения о преступлении: генезис и перспектива: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2017. С. 47–48; и др.

<sup>40</sup>Сиверская Л. А. Рассмотрение информации о преступлениях: правовое регулирование и процессуальный порядок: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2014. С. 70.

<sup>41</sup>Кожокар В. В. Возбуждение уголовного дела: вопросы теории и практики: дис. ... канд. юрид.наук.

Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқий мақоми келиб чиқиши юзасидан мамлакатимиздаги ҳуқуқшунос олимлардан З.Ф.Иноғомжонова ва Г.З.Тўлагановаларнинг фикрича эса, жабрланувчи деб эътироф этиш шахснинг аризасига кўра ёки жиноят иши юритувида бўлган мансабдор шахс томонидан амалга оширилади. Бунда жиноятнинг ким томонидан содир этилганлиги аниқланган ёки аниқланмаганлиги, унинг ушланган ёки ушланмаганлиги, жабрланувчи ва жиноятчининг ўзаро муносабатлари ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.

Ушбу олимларнинг фикрича, шахсни жабрланувчи деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор унинг қонунда назарда тутилган ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик) қурбони бўлганлиги ҳақидаги факт аён бўлганидан ва жиноят иши кўзғатилганидан кейин чиқарилиши лозим. Шахсни жабрланувчи деб эътироф этиш тўғрисидаги қарорнинг асоссиз равишда кечиктирилиши уни жиноий жараёнда фаол иштирок этишига тўсиқ бўлади. Жабрланувчи деб эътироф этиш якка тартибда амалга оширилиб, ҳар бир жабрланувчи учун алоҳида қарор чиқарилади<sup>42</sup>.

Жабрланувчининг процессуал мақомини тадқиқ қилган олимлардан Б.Т.Ақромходжаевнинг фикрича, жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим қилиш асосида жиноят иши кўзғатишни талаб қилиш ҳуқуқи амалга оширилади<sup>43</sup>.

Албатта олимнинг ушбу фикрлари хусусий айблов билан боғлиқ ишларда жабрланувчининг процессуал мақомини ёритиб беради.

Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 325-моддасига кўра, Жиноят кодекси 105-моддасининг биринчи қисмида, 109-моддасида, 110-моддасининг биринчи қисмида, 111-моддасида, 118-моддасининг биринчи қисмида, 119-моддасининг биринчи қисмида,

---

М.,2016. С. 60; Варнавский Д. А. Указ. соч. С. 48.

<sup>42</sup>Иноғомжонова З.Ф. Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси иштирокчилари. Ўқув қўлланма. /ю.ф.д. проф. М.Х. Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. – Б. 25

<sup>43</sup>Ақрамходжаев Б. Т. Обеспечение прав и законных интересов потерпевшего на предварительном следствии: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., 1992. С. 11.

121-моддасининг биринчи қисмида, 136-моддасида, 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 141<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 149-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб жабрланувчи берган шикоят аризаси асосидагина қўзғатилади.

Жабрланувчи ночор аҳволда бўлганлиги, айбланувчига қарам бўлганлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолларда прокурор жабрланувчининг шикоятсиз ҳам жиноят ишини қўзғатиши шарт.

Жабрланувчининг шикояти билан қўзғатилиши мумкин бўлган жиноят ишларининг алоҳида тартибда белгиланиши айрим олимларнинг фикрича, жиноят судлов ишларини юритиш қоидаларига тўғри келмайди.

Бу борада ҳуқуқшунос олим В.В.Кожокарнинг фикрича, жабрланувчининг талаби билан жиноят иши қўзғатилиши ва жазо тайинланиши жиноят-процессуал қонунчилик талабларига тўғри келмайди<sup>44</sup>.

Бу борада олимнинг фикрича, жиноят ишларини юритишда жиноят-процессуал қонунчилик талабларига мувофиқ, шахсларнинг фикридан қатъий назар ижтимоий хавфли қилмишлар учун жазо тайинланиши лозимлигига устувор аҳамият бериш керак бўлади.

Бизнингча, ушбу фикрларга қуйидагиларга кўра мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, жиноят-процессуал қонунчилиги энг биринчи навбатда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга йўналтирилганлиги боис, хусусий манфаатларни таъминлаш лозим бўлади.

Иккинчидан, жиноят ишларини юритишда хусусий айблов бўйича тартиб ва тамойилларнинг мавжудлиги бир-бири билан яқин муносабатда бўлиб келган шахслар ўртасидаги ижтимоий хавфли қилмишлар бўйича

---

<sup>44</sup>Кожокар В. В. Возбуждение уголовного дела: вопросы теории и практики: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2016. С. 68

уларнинг ўзаро келишуви асосида ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга йўналтирилгандир.

Бу борада ҳуқуқшунос олим И.С.Дикарев ҳақли равишда таъкидлаганидек, жабрланувчининг оммавий-хусусий айбловни қўзғатишга бўлган ҳуқуқи энг аввало унинг ўзига нисбатан содир қилинган жиноят ҳақидаги ариза ва хабарни тақдим қилишдан иборат бўлган диспозитив нормаларни ўз ичига қамраб олади<sup>45</sup>.

Айтиш лозимки, жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштириш мавзусида тадқиқотлар олиб борган процессуалист олима Д.Р.Тураеванинг таъкидлашича, жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш иккита вазифанинг бажарилишига хизмат қилади: 1) қонун билан кафолатланган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларининг амалга оширилишини таъминлаш; 2) жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш (бартараф этиш)<sup>46</sup>.

Олиманинг фикрларига ҳурмат билан ёндошган ҳолда айтиш керакки, жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишда унга нисбатан келгусида жиноятлар содир қилишининг олдини олиш ҳам киришини айтиб ўтиш лозим бўлади.

Айрим олимларнинг фикрича, жабрланувчининг мурожаатига асосан қўзғатилган жиноят ишлари бўйича иш юритишда жабрланувчига ўз мурожаатини қайтариб олиш ҳуқуқининг берилиши жиноят-процессуал қонунчилик вазифаларига тўғри келмайди.

Чунки, жиноят аломатлари аниқланган ҳар бир ҳолат бўйича жабрланувчининг хоҳиш-истагидан қатъий назар жавобгарлик ҳал қилиниши лозим бўлади<sup>47</sup>.

<sup>45</sup> Дикарев И. С. Диспозитивность в уголовном процессе России. Волгоград, 2005. С. 105.

<sup>46</sup> Тураева Д.Р. Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштириш. юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Т. Б.13.

<sup>47</sup> Жук.О.Д. Формы и виды уголовного преследования //Вестник Московского университета МВД России. – 2015. – № 11. – С. 108.

Бироқ, айрим олимларнинг фикрича, жабрланувчи жиноят ҳақидаги ўз муурожаатини қайтариб олган ҳолларда жиноят иши тугатилиши лозим бўлади<sup>48</sup>.

Жабрланувчининг жиноят ҳақидаги ўз муурожаатини қайтариб олиш бўйича процессуал ҳаракатлари айрим олимларнинг фикрича, айбланувчи билан ярашувнинг шакли бўлиб ҳисобланади<sup>49</sup>.

Бироқ, бизнинг фикримизча, ушбу фикрни асосли деб ёндошиб бўлмайди. Чунки, бундай ҳолатда жиноят-судлов ишларини юритишда айбланувчининг ҳуқуқлари чекланиши ҳолатлари юқори бўлиб қолади ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг жабрланувчининг муурожаати асосида жиноят ишларини қисқа муддатда тугатишга бўлган корпоратив манфаатларини ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади.

Шу боисдан, бизнинг фикримизча, жабрланувчининг жиноят ҳақидаги муурожаатини ҳал қилишда унинг иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор бериш лозим бўлади.

Бу борада МДХдаги ҳуқуқшунос олимлардан В.А.Пономаренков, В.В.Николайченко ва Н.А.Громовларнинг таъкидлашича, жиноят ишининг барча ҳолатларини тўла, ҳар томонлама ва холисона текширишда жабрланувчининг иштирокини инкор этиш жиноят судлов ишларининг демократия ва тортишув принципларига зид юритилаётгани тўғрисида ҳулоса чиқаришга ва уларнинг исботлашда иштирок этиш ҳуқуқи чекланишига олиб келган бўлар эди<sup>50</sup>.

Бунда, жиноят-процессуал қонунчиликка кўра, жабрланувчи вояга етмаган ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахс бўлса, ишда у билан биргаликда ёки унинг ўрнига қонуний вакили иштирок этади.

---

<sup>48</sup>Макаров С. О теории и практике квалификации взяточничества и коммерческого подкупа // Уголовное право. 2000. № 3. С. 27.

<sup>49</sup>Аликперов Х. Д. Освобождение от уголовной ответственности. М., 2001. С. 48–49.

<sup>50</sup>Пономаренков В.А., Николайченко В.В., Громов Н.А. Процессуальная форма доказывания. // Следователь. -1998. -№9. –Б.29

Фукаро жабрланувчи деб эътироф этиш пайдан бошлаб кенг қамровли ҳуқуқларга эга бўлади, улардан фойдаланган ҳолда процесда иштирок этиб, ўз ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилади.

## I боб бўйича хулоса

Маълумки, бугунги кунда давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуслари билан Ўзбекистонда инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати сифатида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, судлар, прокуратура, адвокатура фаолиятига оид қонунлар ҳамда Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга киритилган ўзгартиш ва кўшимчалар инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати энг олий кадрият эканлигини эътироф этиш ҳамда уларнинг ҳаётда амалга оширилишини таъминлашга қаратилгандир.

Суд-ҳуқуқ тизимида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклашга алоҳида эътибор бериш лозим бўлади.

Мазкур тадқиқот ишининг 1-боби доирасида ўрганилганидек, жиноят процесидида жабрланувчининг иштироки ва процессуал ҳолати масалалари доимо тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига жалб этиб келган. Жумладан, А. Абабков, Ғ. Абдумажидов, А. Абзалов, Б. Ақромходжаев, Л. Вавилова, И. Жеребятъев, А. Закатов, О. Зайцев, З. Иноғамжанова, А. Қосимов, В. Квашиш, С. Колдин, И. Мисник, М. Танцеров, С. Щерба, И. Юсупов ва бошқаларнинг илмий асарларида жабрланувчининг процессуал ҳолатига оид назарий таҳлил этилган.

Бугунги кунда шунингдек, жабрланувчининг ҳуқуқий мақомига доир нормаларни такомиллаштиришда ушбу институтнинг шаклланиши бўйича сиёсий-тарихий жараённинг асосий босқичларини таҳлил қилиш муҳим ўрин тутиши боис, ишда жабрланувчининг мақомига доир нормалар тарихий-ҳуқуқий аспектда кўриб чиқилди.

Ушбу тадқиқот асосида миллий ҳуқуқ тизимида жабрланувчи институтининг шаклланиши бўйича сиёсий-ҳуқуқий жараёнлар таҳлил қилиниб, ҳуқуқий нормалар ривожланишига туртки берган омиллар ва босқичлар ёритиб берилди.

## **II БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЖАБРЛАНУВЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

### **2.1. Терговга қадар текширув ва дастлабки терговда жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоясини таъминлашда прокурор назоратини ташкил қилиш асослари**

Жиноятчиликка қарши курашда самарали натижаларга эришиш, унинг миқдорини энг паст даражагача тушириш, салбий оқибатларини камайтириш учун жиноятчиликнинг жамиятда бўлишини, ривожланишини тақозо қилувчи, белгилаб берувчи, таъсир қилувчи, сабаблари сифатида ҳаракат қилувчи ҳодисалар, воқеалар ва жарёнларни, улар ўртасидаги салбий боғланишни ўрганиш керак. Жамиятдаги жиноятчиликнинг сабабларини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидан излаш керак эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Жиноятчиликни олдини олиш авваламбор унинг сабаб ва шарт-шароитларини тўлиқ аниқлаш ва бартараф қилиш, кучсизлантириш учун керакли бўлган мақсадли чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Демократик жамиятда жиноятчиликка қарши кураш фақат жиноий-ҳуқуқий чоралар орқали эмас, балки жиноятларнинг олдини олиш, унинг сабаб ва шароитларини бартараф қилиш, кучсизлантириш, уларга тўсқинлик қилиш чора-тадбирларини комплекс қўллаш орқали амалга оширилади.

Бундай вазифани амалга ошириш эса жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари ҳақидаги барча масалаларни чуқур илмий асосланган ҳолда таҳлил қилишни, жамиятда жиноятчиликни озиклантириб турувчи ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ҳодиса, воқеа ва жараёнларни аниқ билишни талаб қилади.

Жиноий хатти-ҳаракатларнинг ижтимоий хавфлилиги ва турига қараб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳар бири алоҳида, бир-бирига бўйсунмасдан, ўзига юклатилган вазифалар доирасидан келиб чиққан ҳолда,



идоравий усул ва воситалар орқали жиноятчиликка қарши кураш олиб боради.

Жиноятчиликка қарши кураш борасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда тергов органларининг терговга қадар текширув фаолиятини самарали ташкил қилиши муҳим ўрин тутди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг бугунги кундаги таҳлили терговга қадар текширув фаолиятини такомиллаштириш борасида ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, биргина ўтган 2021 йилда мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш борасида амалга оширилган прокурор назорати тадбирлари давомида 6 462 та жиноятни ҳисобдан яшириш ҳолатлари аниқланиб, барчаси ҳисобга қўйилган ҳамда жиноятларни қасддан яширган масъул ходимларга нисбатан 44 та жиноят иши қўзғатилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан келиб тушган 3 028 та ариза ва хабарларнинг барчаси бўйича терговга қадар текшириш ҳаракатлари ўтказилган. Текшириш натижаларига кўра, жами 161 та жиноят иши қўзғатилиб, айбдор шахсларга нисбатан чоралар кўрилиши таъминланган<sup>51</sup>.

Мазкур ҳолатлар терговга қадар текшириш ҳаракатлари давомида ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида қонунчиликни такомиллаштириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 320<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, терговга қадар текширув жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига олади.

<sup>51</sup>Бош прокурорнинг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи// <https://senat.uz/uz/lists/view/4289>

Терговга қадар текширув ЖПКнинг 391-моддасида кўрсатилган органлар томонидан ЖПКнинг 41-бобида белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Терговга қадар текширув суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан ҳам олиб борилиши мумкин.

Терговга қадар текширув қуйидагилар томонидан амалга оширилади:

- 1) ички ишлар органлари;
- 2) ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртларининг бошлиқлари — уларга бўйсунувчи ҳарбий хизматчилар, шунингдек ўқув машқлари ўтказилаётган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ходимларининг хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ жиноятлари ёки қисм, қўшилма, муассаса ёхуд ўқув юрти жойлашган ерда содир этган жиноятларига доир ишлар бўйича;
- 3) давлат хавфсизлик хизмати органлари — қонунга кўра уларнинг юритишига берилган ишлар бўйича;
- 4) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов ҳибсхоналари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари — шу муассасалар ходимлари хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилган жиноятларга доир ишлар, худди шунингдек мазкур муассасалар ҳудудида содир этилган бошқа жиноятларга доир ишлар бўйича;
- 5) давлат ёнғиндан назорат қилиш органлари — ёнғинларга доир ва ёнғинга қарши қоидаларни бузганликка доир ишлар бўйича;
- 6) чегарани кўриқлаш органлари — давлат чегарасини бузганликка доир ишлар бўйича;
- 7) олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари;
- 8) давлат божхона хизмати органлари — божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликка доир ишлар бўйича;

9) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари — бюджет, солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликка доир ишлар бўйича;

10) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва унинг жойлардаги бўлинмалари — вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлашга, суд қарорини бажармасликка, банд солинган мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этишга доир ишлар бўйича, шунингдек электр, иссиқлик энергияси, газ, сувдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича;

11) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари — бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида аниқланган молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларидаги ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича.

13) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари — қонун билан уларнинг иш юритишига берилган ишлар бўйича.

14) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати — унинг юритувига тааллуқли ишлар бўйича.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар зиммасига зарур чоралар кўриш вазифаси, шу жумладан жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, процессуал қонунчилик қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларидан фойдаланган ҳолда, зарур чоралар кўриш вазифаси юклатилади. Ички ишлар, давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, давлат божхона

хизмати органлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари шу мақсадда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга ҳақли.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг раҳбарлари терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг бошлиғи сифатида ҳаракат қила туриб, терговга қадар текширувни бошлашга ёки ўзига бўйсунувчи бошқа мансабдор шахсга уни юритишни топширишга, жиноят ишини қўзғатишга ёки иш қўзғатишни рад этишга ёхуд аризани, хабарни терговга тегишлилигига кўра ўтказишга ҳақлидир.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс зиммасига терговга қадар текширувни амалга оширишга доир вазифаларни юклатиш тартиби мазкур орган томонидан белгиланади.

Бошлиқнинг топшириғига биноан ва унинг раҳбарлигида ишлаётган мансабдор шахс жиноятнинг олдини олиш ёки унинг содир этилишига йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни қидириб топиш ҳамда жиноят туфайли етказилган мулкий зарарнинг ўрни қопланишини таъминлаш учун зарур бўлган, кечиктириб бўлмайдиган барча ҳаракатларни амалга ошириши шарт.

Терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси зиммасига терговчи, суриштирувчи юритаётган иш бўйича айрим процессуал ҳаракатларни ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги топшириқларини бажариш ҳамда терговчига, суриштирувчига процессуал ҳаракатларни бажаришида кўмаклашиш мажбурияти ҳам юклатилади.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси терговга қадар текширувни амалга ошираётганда, худди шунингдек терговчининг, суриштирувчининг топшириғини бажараётганда, ЖПК

белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда процессуал ҳаракатларни амалга оширади ва қарорлар қабул қилади.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг қарорлари мазкур орган бошлиғи томонидан тасдиқланиши лозим. Бошлиқнинг ёзма кўрсатмалари уларни бажаришни тўхтатмай туриб, ушбу кўрсатмалар устидан прокурорга шикоят қилишга ҳақли бўлган унга бўйсунувчи мансабдор шахс учун мажбурийдир.

Прокурорнинг ёзма кўрсатмалари терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган бошлиғи ва унинг мансабдор шахси учун мажбурийдир. Улар прокурорнинг кўрсатмаларидан норози бўлган тақдирда, кўрсатмаларни бажаришни тўхтатмай туриб, юқори турувчи прокурорга уларнинг устидан шикоят қилишга ҳақлидир.

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда терговга қадар текширув босқичида жабрланувчининг ҳуқуқларини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, суриштирув ва тергов амалиёти таҳлили жиной таъқибни амалга оширувчи органларининг фаолияти самарадорлигига тўсқинлик қилаётган, жиноятларни фош этишга кўмаклашувчи органларнинг холислигига салбий таъсир кўрсатаётган тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда. Жумладан:

**биринчидан**, жиноятларни тергов қилиш соҳасида кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш, терговчилик касбида муҳим ўрин тутадиган “устоз-шогирд” анъаналари тўғри йўлга қўйилмаган;

**иккинчидан**, суд экспертларининг суд экспертизасини тайинлайдиган органлардан (шахслардан) мустақиллиги етарлича таъминланмаган;

**учинчидан**, жиноятларни фош этишда суриштирув ва дастлабки тергов органларига кўмаклашувчи шахсларнинг, шу жумладан суд экспертлари ва криминалистларни тайёрлашнинг самарали механизми,

шунингдек уларни соҳада узок йиллар фаолият кўрсатиши учун етарли шарт-шароитлар шакллантирилмаган;

**тўртинчидан**, суриштирув, дастлабки тергов ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида фoш этилмаган жиноятлар, шахси аниқланмаган мурдалар, бедарак йўқолган шахслар ва жиноятга алоқадор бошқа маълумотларнинг ягона интеграциялашган электрон маълумотлар базаси яратилмаган;

**бешинчидан**, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг фаолиятини тартибга солувчи, суриштирувчи ва терговчиларнинг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тартибини белгиловчи ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилмаган.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал қонунчилигида терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш билан боғлиқ ислоҳотларда ушбу масалаларни тартибга солишга алоҳида аҳамият бериш лозим бўлади.

Бундан ташқари, жабрланувчиларнинг жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларини ҳал қилишдаги муаммолардан бири шуки, хабарни терговга тегишлилиги бўйича юборишнинг аниқ процессуал муддати белгиланмаган.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддасида қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсларига келиб тушган мурожаатлар беш кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органларга, бошқа ташкилотларга ва мансабдор шахсларга юборилиб, бу ҳақида мурожаат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилиниши кўрсатилган.

Лекин мазкур қонуннинг 1-моддасида қонуннинг амал қилиш, кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, иқтисодий процессуал қонун

хужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга нисбатан татбиқ этилмаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 335-моддасида эса жиноят тўғрисидаги ариза (хабар)ни терговга тегишлилигига қараб юбориш тартиби кўрсатилган бўлиб, ариза (хабар)ни терговга тегишлилигига қараб юборишга ушбу туман (шаҳар) ҳудудидан ташқарида содир этилган жиноят ҳақида хабар берилган ва жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун текшириш ҳаракатларини жиноят содир этилган туман (шаҳар)да ўтказиш зарур бўлган ҳоллардагина йўл қўйилади, деб белгиланган.

Жиноят-процессуал қонунчиликда жиноят ҳақидаги ариза ва хабарни бир органдан бошқасига ёки бир органнинг алоҳида бўлимлари ўртасида ўтказиш масаласининг аниқ белгиланмаганлиги ариза ва хабарларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва қонуний муносабат билдиришнинг асоссиз чўзилиб кетишига, мурожаат қилган шахснинг у органдан бу органга бориб ортиқча оворагарчиликларга сабаб бўлишига олиб келмоқда. Шунингдек, мурожаатни тегишлилигига кўра қабул қилиб олишда бошқа тергов органи ҳам муддатни ЖПК талабидан келиб чиққан ҳолда ўн кунлик доирада олиб борилмоқда.

Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнида мурожаатларнинг янги шакли-электрон мурожаатлар тушунчаси қонунчиликка киритилди. Лекин мазкур тушунча жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва қонуний қарор қабул бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётида аризаларга тенглаштирилган ҳолда кўриб чиқиладиган бўлсада, жиноят-процессуал қонунчиликда ўз аксини топмаган.

Бу эса, ЖПКнинг 329-моддасида кўрсатилган муддат қачондан бошланиши масаласини очиқ қолдирмоқда. Амалиётда эса тергов органлари мурожаатни ўз иш юритувига олган ёки электрон тизимдан ва рўйхатга олиш китобидан қайддан ўтказилган вақтдан белгиланмоқда.

Жиноят-процессуал қонунчилиги, хусусан ЖПКнинг 337-моддасига кўра жиноят ишини қўзғатишнинг қонунийлиги устидан назорат олиб бораётган прокурор жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги терговга қадар

текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчининг қарорини бекор қилишга ва иш қўзғатишни рад қилишга, шунингдек мазкур субъектларнинг жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги қарорини бекор қилишга ва айни вақтда иш қўзғатишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Муаммоли ҳолат шундаки, бунда қўшимча ёки қайта терговга қадар текширув ҳаракатларини ўтказиш муддати қанча, агар бу ЖПКнинг 329-моддаси тартибида ўн кун бўлса, уни бир ойгача узайтириш мумкинми, битта терговга қадар текширув материали бўйича неча мартагача жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш қарорини бекор қилиб қайта текширувга юбориш мумкин.

Мазкур масалаларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида аниқ белгиланмаганлиги битта масала бўйича қарорнинг бир неча марта бекор қилиниб, қайта текширув учун юборилишига, мурожаат қилувчи фуқаронинг талабини қисман қондириш мақсадида қарорларнинг асоссиз равишда техник ва ўз исботини топиш эҳтимоли деярли мавжуд бўлмаган сабабларга кўра бекор қилинишига, ҳисобот учун қарорларнинг бекор қилиниши каби салбий ҳолатларни келтириб чиқармоқда.

Бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда қоғозбозликнинг сақланиб қолиши, аниқ тасдиғини топиши мумкин бўлмаган ҳолатлар бўйича қарорларни бекор қилиб, фуқаролар ва давлат органларини ортиқча овора қилиш, қонун нормаларнинг турлича талқин қилиниши каби салбий оқибатларга сабаб бўлмоқда.

Кейинги масала шундан иборатки, жиноят-процессуал қонунчилигида терговга қадар текширув даврида ўтказилиши мумкин бўлган тергов ҳаракатлари доираси аниқ белгиланган. 2016 йилнинг 25 апрель куни ЎРҚ–405-сон қонун билан ЖПКнинг 329-моддасига ўзгартиш киритилиб, унга кўра терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида уни амалга оширувчи мансабдор шахслар томонидан “тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш” ваколати киритилди.



Лекин терговга қадар текширув давомида Жиноят-процессуал кодексида ҳам, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунида ҳам айнан қайси тезкор-қидирув тадбирлари, кимларга нисбатан ўтказиш масалалари тартибга солинмаган.

Бу эса қонун нормаларининг турли хил талқин қилинишига, жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуни манфаатлари тўлиқ таъминланмасдан қолишига сабаб бўлмоқда.

Шу боисдан, бу борада қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритиш лозим бўлади.

Мазкур масалаларнинг самарали ҳал қилиниши жиноят процессида дастлабки терговда жабрланувчи ҳуқуқларини таъминлашда прокурор назорати самарадорлигига ҳам ижобий таъсир қилади.

Жиноятларни тергов қилиш босқичида жабрланувчининг иштироки - унинг жиноят иши бўйича иш юритувга таъсир этиш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Жабрланувчи дастлабки тергов босқичининг асосий иштирокчиларидан бири ҳисобланади, айниқса жиноят шахсга нисбатан содир этилганда. Шунинг учун, “жабрланувчига нисбатан бўлган муносабатни ўзгартирган ҳолда уни жиноят процессининг мустақил ва тенг ҳуқуқли иштирокичиси сифатида баҳолаб, унинг манфаатларини максимал даражада ҳимоя қилиш лозим”<sup>52</sup>.

Ушбу масала бўйича В.П.Божьевнинг фикрича, “...жиноят ишларини юритишда жабрланувчини фаол иштирокчи сифатида жалб этилиши икки мақсадни кўзлайди: жабрланувчига ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ваколатли субъектлар билан биргаликда ҳимоя қилишни кучайтиришга имкон яратиш ҳамда одил судловни амалга оширишга ёрдам бериш”<sup>53</sup>.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, жабрланувчи дастлабки тергов босқичларида ҳаммиша ҳам фаол иштирок этиш имконига эга бўлавермайди,

<sup>52</sup> Аширбекова М.Т. Публичность уголовного процесса // Новая идеология в законодательстве. 2004. - № 1. – С.243.

<sup>53</sup> Божьев В. К вопросу об обеспечении потерпевшему доступа к правосудию. Уголовное право. 2003. - № 3. -С.80.

яъни у таъминланган айрим ҳуқуқларидан терговчининг рухсати бўлгандагина фойдаланиши мумкин.

Жумладан, ЎзР ЖПКда жабрланувчи томонидан шахсни айбланувчи тариқасида жалб қилиш тўғрисидаги қарор нусхасини олиш ҳуқуқини таъминловчи нормалар мавжуд эмас. Жабрланувчининг ушбу ҳужжатга эга бўлиши, иш бўйича расмий айбловни билиш имконини яратади.

Амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликдаги тартиб бўйича, жабрланувчи шахсга эълон қилинган айбловни билиш мақсадида терговчи ёки прокурорга мурожаат қилиши ва улар ўз навбатида айбловни мазмунини тушинтириб беришлари лозим. Шу ўринда таъкидлаш жойизки, терговчи ва прокурор, шахсни айбланувчи тариқасида жалб қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилгандан сўнг, жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда айбловни мазмуни билан таништиришни мажбурий тартибинини жорий этилишини асосли деб ҳисоблаймиз. Бу каби қўшимчаларни ЖПКда жорий этилиши жабрланувчи ҳуқуқларини таъминланшнинг кафолати бўлиб ҳизмат қилади.

Масалан, жабрланувчининг шунга ўхшаш ҳуқуқлари Озарбайжон Республикаси ЖПКнинг 87-модда 6.1-қисми, Беларус Республикаси ЖПКнинг 50-модда 6-банди, Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 75-модда 6-банди, Қирғизистон Республикаси ЖПКнинг 50-модда 1-қисми, Молдова Республикаси ЖПКнинг 60-модда 1-қисми, Россия Федерацияси ЖПКнинг 42-модда 2-қисмлари билан таъминлаб берилган.

ЖПКда жабрланувчи томонидан дастлабки терговда жиноят ишини тўхтатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ва ушбу иш материаллари билан танишиш ҳуқуқи белгиланмаган. Бундай ҳолатда жабрланувчи ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш имконига эга бўлмайди. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, кўп ҳолатларда айбли ижтимоий хавфли қилмиш оқибатида жабрланган шахсни мулки суғурталанган бўлиши мумкин ва суғурта тўловларини олиш учун тўхтатилган жиноят иши юзасидан

маълумотнома тақдим этиш зарур бўлади. Ушбу ҳолат жиноят натижасида жабрланувчига етказилган зарарни ўз вақтида қоплаш имконини бермайди.

Дастлабки терговда жиноят иши тўхтатилган ҳолатларда терговчи ЖПКнинг 369-модда 2-қисмига мувофиқ бу ҳақда бошқа иштирокчилар каби жабрланувчини ҳам хабардор қилади. Яъни, белгиланган тартиб бўйича тегишли қарор нусхасини олиш учун жабрланувчи дастлабки терговни олиб борувчи мансабдор шахсга илтимоснома билан мурожат қилиши ва фақат шундан сўнггина уни олиши мумкин.

Шу сабабли, жабрланувчи ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш мақсадида терговчи томонидан бошқа иштирокчилар каби жабрланувчини фақатгина хабардор қилиб қолмасдан, балки тегишли қарор нусхаларини юборишни мажбурийлигини таъминловчи нормаларни ЖПКга киритилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, амнистия актини қўллаш ҳақидаги масалани кўриб чиқишда жабрланувчининг фикрини эътиборга олиниши лозим, чунки жиноят ишини тугатиш натижасида унинг мулкӣ ҳуқуқлари бузилиши ёки ҳисобга олинмай қолиши, яъни жиноят оқибатида етказилган зарар миқдори қопланмай қолишлиги мумкин.

Кейинги ҳолат шундан иборатки, ЖПКнинг 388-модда 2-қисмига мувофиқ прокурор ёки унинг ўринбосари айбланувчига ва ҳимоячига айблов хулосаси ва унга қилинган иловаларнинг тасдиқланган нусхаларини юборади, жабрланувчига эса айблов хулосасининг нусхаси фақатгина унинг илтимосномасига асосан берилиши мумкин. Шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, унда жабрланувчи юридик маълумотга эга бўлмаслиги ва у жиноят процесси ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиши мумкин. Қандай қилиб бу каби жабрланувчи айблов хулосаси ва уни қайси ҳолатларда тузилиши ҳақида билиши мумкин? Ушбу вазиятда жабрланувчига айбланувчи билан бараварига айблов хулосасини иловалари билан тақдим этилишини мажбурий қилиб белгилаш тўғрисида ЖПКга қўшимча киритилиши лозим бўлади.

## **2.2. Судларда жиноят ишлари кўрилишида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда прокурор иштироки самарадорлигини оширишнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 6-моддасида ҳамда республикаимиз Конституциясининг 44-моддаларида кафолатланган одил судловдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминланишига алоҳида эътибор берилмоқда. Зероки, ҳақиқий давлат мустақиллиги ва иқтисодий мустақиллигига эришиш, юртимизда осойишталик ва барқарорликни таъминлаш, қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда одил судловнинг вазифаси каттадир. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган, шунингдек бозор муносабатлари тизимига мақбул бўлган босқичма-босқич ва мақсадли суд-ҳуқуқ ислоҳотлари амалга оширилмоқда. Бунда асосий эътибор одил судловликни амалга ошириш, бузилган ҳуқуқларнинг тикланиши, давлат ва жамият манфаатларининг таъминланиши ҳамда турли қонунбузилиш ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этилишига қаратилаётганлиги кейинги йилларда жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Ҳурматли Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек, “Судья ҳар доим халқпарвар бўлиб, адолатли иш олиб борсин. Судья адолатли ҳукм чиқариши учун аввало халқни, унинг ҳаётини дарду-ташвишларини яхши билиши керак”<sup>54</sup>.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимояланиши аввало жамиятдаги ижтимоий адолат ва қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бунда эса жиноят ишларини судда кўришда ҳар томонлама, асосли, қонуний ва адолатли ёндашув талаб этиладики, бу ҳолат процесснинг барча

<sup>54</sup>Мирзиёев Ш.М. 13.06.2017 йилдаги суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истикболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси

иштирокчиларига қонунийлик ва адолатлиликка эришиш учун масъулият билан ёндашишни талаб қилади.

Бугунги «Прокуратура тўғрисида»ги амалдаги Қонунга кўра прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари жумласига судларда жиноят ишлари кўриб чиқилишида давлат айбловини қувватлаш ҳам киритилган. Жиноят содир қилган шахснинг айбини суд мажлисида тасдиқлаш, унинг ҳаракатларига қонуний баҳо бериш, жиноят учун жазо муқаррарлиги ва содир қилинган жиноят учун жазо тури, меъёрини белгилашда давлат айбловчиси муҳим рол ўйнайди.

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 33-моддасида «Прокурор судларда жиноят ишлари кўрилатганда давлат айбловини қувватлайди. Прокурор судда далилларни текширишда иштирок этади, қонуннинг қўлланиши хусусида ўз фикрини билдиради»<sup>3</sup>, деб қайд қилинган.

Бу борадаги фаолият йўналиши бўйича бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг **"Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида** прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида"ги 2015 йил 27 ноябрдаги 126-сонли буйруғида "Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор ваколатлари:

– жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийлик, ижтимоий адолат, тинчлик ва миллий тотувликни мустаҳкамлашга;

– жиноят процесси принципларига қатъий амал қилган ҳолда прокурор иштирокини малакали таъминлаш орқали фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамланган шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоялашга;

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги 746–ХП-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257–II-сонли Қонуни таҳририда) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда

– суд қарорларининг қонунийлигини апелляция муддатида ўрганиб, ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз қарорларга протест келтирилишини таъминлашга;

– суд қарорларини муружаатларга асосан ўрганиш ва аниқланган қонунбузилишларни бартараф этишга йўналтирилсин",<sup>4</sup> деб кўрсатилган.

Судда давлат айбловини қувватловчи прокурор, суд процессининг бошқа иштирокчилари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланиб судьялар мустақиллигини ҳамда процессуал қонун ҳужжатлари нормаларига қатъий риоя этиш принципига амал қилиши шарт<sup>5</sup> ва суд муҳокамасида қонунларни бажарилишига маъсулдир.

Тарафлар тортишуви ва тенглиги принципларини татбиқ қилиш, ҳар бир далилнинг ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ишончилиги нуқтаи назаридан баҳолашда давлат айбловчиси тергов органи томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар билан чекланиб қола олмайди. Ундан юқори касбий билим, қатъиятлик талаб қилинади, у жиноят иши кўрилишида фақатгина қатнашибгина қолмай, балки, судда қонуний тўғри йўналишни шаклланишига, далилларни текширишда, иш ҳолатларини тўлиқ аниқлашда фаол қатнашиб, одил судловнинг тўлиқ ва объектив амалга оширилиши борасидаги ўз вазифаларини бажариши шарт.

Бу борада эса, судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатларини таъминлаш билан боғлиқ қонун нормаларини такомиллаштириш муҳим ўрин тутди.

Биринчи инстанция судларида ишлар кўрилишида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда прокурор кўпгина ҳолларда жабрланувчининг мулкӣ ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида суд муҳокамасида ўз номидан фуқаровий даъво кўзғатади ёки кўзғатилган

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида"ги 2015 йил 27 ноябрдаги 126-сонли буйруғи

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги 746–ХП-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257–II-сонли Қонуни таҳририда) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда

фуқаровий даъвони қувватлайди (ЎЗР ЖПК 409-м. 6-қ.). Прокурор фуқаронинг ўзи судланувчига моддий, хизмат жиҳатдан ёки бошқача тарзда тобе бўлганлиги, унинг кўрқитишлари, чорасиз ҳолати, вояга етмаганлиги ёки кекса ёшдалиги, соғлиғининг ҳолати, муомала лаёқатига эга эмаслиги ёки ушбу қобилиятининг чекланганлиги, бошқа ҳолатлар боис фуқаровий даъво кўзғата олмаган ҳолларда ҳам фуқаровий даъво кўзғатади (ЖПК 56-м. 2-қ.).

Бунинг учун прокурор суд мажлисига тайёргарлик жараёнидаёқ жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогар мустақил равишда ёки ўз вакили орқали ўзига тегишли процессуал ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятидан маҳрум эканлигини тасдиқловчи ҳолатларни (суднинг фуқарони муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлиги ҳақидаги қарори мавжудлиги, соғлиғининг аҳволи, судланувчи билан ўзаро муносабатлари ва бошқаларни) аниқлаб олиши зарур. Лекин бугунги кунда прокурорлар қасддан содир этилган жиноят орқасидан жабр кўрган ҳар қандай фуқароларнинг мулкӣ ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида ўз номидан фуқаровий даъво кўзғатиб, суд муҳокамасида уни қувватламоқдалар.

Судга келиб тушган жиноят иши бўйича жиноят туфайли етказилган зарарнинг қопланишини таъминлаш учун чоралар кўрилган ёки кўрилмаганлигини судья томонидан текширилиши фуқаровий даъвогар манфаатлари ҳимоясининг қонуний кафолати ҳисобланади. (ЖПК 396-м. 6-б.). Агар тергов органи томонидан жиноят оқибатида етказилган мулкӣ зарарнинг қопланишини таъминлаш чоралари кўрилмаган бўлса, бундай чораларни кўриш ҳақида илтимос билан нафақат фуқаровий даъвогар, балки прокурор ҳам мурожаат этиши мумкин (ЖПК 438-м. 2-қ.).

Агар 2001 йил сентябрь ойига қадар моддий зарарни қоплаш ҳақидаги масала, ҳатто фуқаровий даъво кўзғатилмаган тақдирда ҳам, суд томонидан ҳукм чиқариш чоғида ҳал этилган бўлса, мамлакатда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида судья дастлабки тергов жараёнида жиноят оқибатида келтирилган мулкӣ зарар қопланишини таъминлаш чоралари

кўрилмаганлигини ва бундай чоралар бевосита суд томонидан кўрилиши мумкин эмаслигини аниқласа, терговчининг зиммасига зарур чоралар кўриш вазифасини юклашга ҳақли эканлиги тўғрисида ушбу қонун нормасига ўзгартириш киритилди (ЖПК 398-м.)

Энди Ўзбекистон Республикаси ЖПКга мувофиқ, суд ушбу масалани ўз ташаббуси билан ҳал қилишга ҳақли эмас. Ҳукм чиқариш чоғида суд фуқаровий даъвони қаноатлантириш керакми, кимнинг фойдасига ва қанча миқдорда қаноатлантириши керак деган масалани ҳал этиши лозим (ЖПК 457-м. 1-қ. 10-б.). Бинобарин, суд иш юзасидан фуқаровий даъво қўзғатилган тақдирдагина жабрланувчининг мулкӣ ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаши мумкин. Бу ҳол прокурорга жабрланувчининг ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида зарур ҳолларда фуқаровий даъво қўзғатиш мажбуриятини юклайди (ЖПК 279-м.).

Фуқаро мустақил равишда ёки ўз вакили орқали фуқаровий даъво қўзғатиш ва қўзғатилган даъвони қувватлаш имконига эга бўлмаган ҳолларда бу ишни прокурор бажаради. Суд прокурорнинг жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фуқаровий даъво қўзғатиши ва уни қувватлашини рад эта олмайди.

Фуқаровий даъвони ким қўзғатганидан қатъи назар, прокурор даъво асослари, хусусияти ва миқдорини текширишда иштирок этади. Судланувчининг жиноят содир этишда айбдорлигининг исботланганлиги ҳали фуқаровий даъвони қаноатлантириш зарурлигидан далолат бермайди. Судланувчининг бевосита жиноий ҳаракатлари натижасида жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга зарар етказилганлиги, шунингдек ана шу зарарнинг хусусияти ва миқдорини аниқлаш зарур. Маънавий зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда давлат айбловчиси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1021, 1022-моддаларидаги қоидаларга асосланади.

Прокурор айблов нутқида судланувчининг жиноий ҳаракатлари натижасида жабрланувчига муайян суммада зиён етказилганлигини асослаб беради ва судга ўзи қўзғатган ва қувватлаган фуқаровий даъвони



қаноатлантириш ҳақида таклиф беради. Агар даъвони фуқаровий даъвогар кўзғатган бўлса, прокурор унинг асослилиги ҳақида ҳам ўз фикрини билдиради ҳамда уни кўзғатиш ҳақидаги илтимосни қаноатлантириш ёхуд рад этиш ҳақида таклиф киритади. Жиноят иши бўйича фуқаровий даъво кўзғатилган ҳар бир ҳолатда прокурор судга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 450-моддаси талабларига мувофиқ фуқаровий даъвони ҳал қилишни таклиф қилади.

Жиноят ишларини ўрганиш одатда прокурор қувватлаган фуқаровий даъволарнинг кўпчилигини суд қаноатлантиришидан далолат бермоқда.

Шундай қилиб, прокурор суд муҳокамасида жабрланувчининг маҳкумнинг жиноий ҳаракатлари туфайли ўзига етказилган жисмоний, мулкӣ ва маънавий зарар, унинг иш бўйича дастлабки терговда ва судда иштирок этиши туфайли кетган, жумладан ўз вакилига сарфлаган харажатларини қоплаш ҳуқуқини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 325-моддасига мувофиқ кўзғатилган хусусий айблаш билан боғлиқ жиноят ишларини судда кўриб чиқишда ҳамда жабрланувчи ночор аҳволда бўлганлиги туфайли, айбланувчига қарам бўлганлиги ёки бошқа сабабларга кўра ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини шахсан ўзи ҳимоя қила олмайдиган фавқулодда ҳолларда прокурор жабрланувчининг аризасисиз кўзғатган жиноят ишиларини судда муҳокама этишда ҳам прокурор иштирок этади. Чунки бу ҳолатда жабрланувчи ўзининг чорасизлиги, тобе ҳолати ёки бошқа сабабларга кўра ўзига тегишли ҳуқуқлардан мустақил фойдалана олмайди.

Прокурор апелляция ёки кассация тартибида берган протестида жабрланувчининг қонунда кафолатланган ҳуқуқлари бузилишига йўл кўйилганлигини кўрсатади ва юқори босқич судидан жабрланувчи ҳуқуқларининг кафолатларини бузиб чиқарилган суд ҳукми (қарори, ажрими)ни бекор қилиш ёки ўзгартириш орқали уларни бартараф этишни сўрайди. Ҳар йили суд хатоларининг 50%дан ортиқроғи апелляция

тартибида тузатилади<sup>55</sup>. Бу ҳолат давлат айбловчилари ўзларининг айбловни асослаш борасидаги процессуал ваколатларидан суд мажлисида жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашда самарали фойдаланаётганликларидан далолат беради.

Шундай қилиб, прокурорнинг суд муҳокамасида иштирок этиши ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКда ўз зиммасига юклатилган ваколатларни лозим даражада бажариши жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилинишини таъминлайди.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, прокурор ва суд кўрадиган чоралар ҳар доим ҳам жабрланувчига жиноят туфайли етказилган зарарнинг амалда қопланишини кафолатлаш учун етарли эмас. Жиноят ишлари ҳужжатларида аниқланган ва фуқароларга жинойий ҳаракатлар туфайли етказилган моддий зарар миқдори ҳар йили жабрланувчига аслида етказилганидан камроқ миқдорда қопланади.

Кўп ҳолларда судланувчида ўз ҳаракатлари билан етказилган зарарни қоплаш учун маблағ бўлмайди, у пул ишлаб топган тақдирда ҳам, жабрланувчи ундан пул маблағларини жуда узоқ вақт (йиллар) давомида олиши мумкин. Ушбу ҳолларда, халқаро ҳужжатларга мувофиқ, жабрланувчиларнинг муайян тоифаси етказган зарарни давлат қоплаши лозим. 1985 йил 29 ноябрда БМТ Бош Ассамблеяси ўзининг 40/34 резолюцияси билан “Мансаб ваколатини суиистеъмол қилганлик ва жиноятлар қурбонлари учун одил судловнинг асосий принциплари тўғрисида”ги Декларацияни қабул қилди. Унда жиноят қурбонлари одил судловдан фойдаланиш ва етказилган зарарнинг тезда қопланиши ҳуқуқига эгаллиги назарда тутилган. Декларацияда, хусусан, муайян ҳолатларда одилонга реституция мумкинлиги ҳақида сўз юритилади. Ҳуқуқбузар ёки унинг ҳатти-ҳаракати учун жавобгар бўлган учинчи тараф жиноят қурбони, унинг оиласи ёки боқувидагиларга одилонга реституция беради. Реституцияга

---

<sup>55</sup> Қаранг: *Тухташева У.А.* Апелляционное производство в уголовном процессе Республики Узбекистан: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. – Т.: ТГЮИ, 2006. – С. 4.

жабрланувчининг мулкани қайтариш ёки унга етказилган зарар ҳақини тўлаш, харажатларни қоплаш, хизматлар кўрсатиш ва ҳуқуқларини тиклаш киради. Ҳуқуқбузар ёки бошқа манбаалардан компенсацияни тўла ҳажмда олиш имкони бўлмаганида муайян тоифадаги қурбонлар ва уларнинг оилаларига (оғир жиноятлар қурбонлари, жиноят натижасида ҳалок бўлган ёки ногирон бўлиб қолган шахсларнинг оилаларига) молиявий компенсацияни давлат бериши керак. Ушбу мақсадларда жиноят қурбонларига бундай компенсацияни бериш учун миллий фондлар яратилиши, уларнинг мустаҳкамланиши ва кенгайтишига кўмаклашиш тавсия этилади.

XIX асрдаёқ процессуалист олимлар жабрланувчига жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш учун жамғарма ташкил этиш зарурлиги ҳақида сўз юритганлар. Масалан, М.В.Духовский: «Жабрланувчилар кўпинча ўз айблари туфайли зарар кўрмайдилар, кўп ҳолларда бунинг сабаби ижтимоий ҳаёт шароитларида бўлади. Шу боис давлат унга ёрдам бериши лозим»<sup>56</sup>.

Афсуски, бизда ҳамон жиноий тажовузлардан жабрланган шахсларга етказилган зарарнинг қопланишини таъминловчи қонун нормалари ҳам, жамғармалар ҳам мавжуд эмас.

Кўпчилик олимларнинг фикрича, жабрланувчига етказилган зарарнинг қопланишини таъминлаш мақсадида ҳозирги вақтда зудлик билан жиноятчиликка қарши кураш Давлат фондини таъсис этиш ва унинг маблағларидан жумладан фуқарога жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш учун фойдаланиш; жабрланувчиларнинг мулкӣ йўқотишлари тикланишини қисман бўлсада таъминлашга имкон берадиган жиноятлар қурбонларини ҳимоя қилувчи жамоат фондлари зарур. Шунингдек, давлат етказилган зарарни кимга (жабрланувчиларнинг қайси тоифасига), қай миқдорда ва қандай тартибда қоплаши лозимлигини бир хилда аниқлаш имконини берадиган мезонларни ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Назаримизда, моддий зарарни қоплаш билан бирга, жабрланувчиларга

---

<sup>56</sup> Қаранг: *Духовской М.В.* Русский уголовный процесс. – М., 1902. – С. 199.

ижтимоий, психологик ва ахборот билан ёрдам бериш, соғлиғига зиён етган жабрланувчиларга бепул тиббий хизмат кўрсатишни назарда тутиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКда назарда тутилган прокурорнинг судда жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги фаолияти Жиноятлар ва ҳокимиятнинг суиистеъмол қилиниши қурбонлари учун одил судловнинг асосий принциплари тўғрисидаги Декларациянинг қоидаларига тўлиқ жавоб беради. Ушбу Декларацияга кўра давлат айбловчиси жиноят қурбонларига бутун суд муҳокамаси давомида зарур ёрдам кўрсатиши лозим.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда прокурор биринчи навбатда жиноят иши материалларини тўлиқ ўрганиб чиқиш лозим бўлади. Бу эса конкрет жиноят иши бўйича исботлаш предмети ва чегараларига аниқлик киритиш имконини беради ҳамда терговчи бу йўналишда нима ишлар қилгани ва қилолмагани, терговчи томонидан маромига етказилмаган ишни суд мажлисида тўлдириш мумкинлиги ва бунга прокурор қай тарзда ёрдам бера олиши ҳақида, тасаввур ҳосил қилади<sup>57</sup>.

Ҳар қандай ҳолатда айблов хулосасини синчиклаб ўрганиш судгача тайёргарлик кўришнинг жуда муҳим палласи ҳисобланади, шунинг учун ҳам тайёргарлик кўриш айблов хулосаси материалларини ўрганишдан нари ўтмаса иш аҳволи яхши бўлмайди. Айблов хулосасидан кейин қолган барча материалларнинг бирортаси ҳам қолиб кетмаслиги учун терговчи тартибга солган изчилликда ўрганилиши мумкин. Бунда уларни ўрганишга ажратиладиган вақт жиноят ишини тўғри ҳал қилиш учун қанчалик кўпроқ зарур ва муҳимлигига қараб сарфланиши керак<sup>58</sup>.

Айблов хулосаси билан бир қаторда ҳимоя томони илтимосномасини ўз ичига олган процессуал ҳужжатларни ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб

<sup>57</sup> Питерцев С.К. Составление обвинительного заключения. Учебное пособие. СПб., 1998. С. 5.

<sup>58</sup>Руководство для государственного обвинителя. Криминалистический аспект деятельности. Ч.1 СПб., 1998., С. 34-39.

этади. Улар ёрдамида айбланувчининг позициясини аниқлаш ва ҳимоя томони эътироз билдириш эҳтимоли бўлган далиллар доирасини белгилаб олиш мумкин. Бу далилларни ушбу мавжуд ҳолатларни инобатга олган ҳолда ўрганиш керак бўлади.

Ишни ўрганиш жараёнида ўқиб чиқиш ва тушуниб олиш учун кўпроқ вақт ажратиш зарур бўладиган, барча материаллар орасидан энг муҳимларини алоҳида ажратиб олиш лозим. Бундай кўникмаларни эгаллаш учун нафақат давлат айбловини қувватлашда катта тажрибага, балки жиноятнинг алоҳида турларини тергов қилиш услублари ва албатта, турли тоифадаги жиноят ишлари бўйича давлат айбловини қувватлашнинг ўзига хос хусусиятлари соҳасида билимга эга бўлиш талаб этилади.

Давлат айбловчиси жиноят иши материалларини ўрганар экан, нимани таҳлил қилиш зарурлигини аниқ - равшан тасаввур этиши лозим. Таҳлил предметига қуйидагилар киради:

- 1) аниқ жиноят ишига доир исбот қилиш предмети ва чегаралари;
- 2) шахснинг жиноят содир этганлигини фош қилувчи далиллар;
- 3) айблов фойдасига гувоҳлик бермайдиган далиллар;
- 4) айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар;
- 5) аниқ тоифадаги жиноят ишларига оид норматив материал ва суд амалиёти.

Суд мажлисига тайёргарлик кўриш қисмида прокурорнинг эътибори илтимосномалар бериш ва уларни баҳолашга қаратилмоғи керак. Прокурор ҳар бир илтимос юзасидан ўз хулосасини бермоғи керак, бу эса унинг ўзи ҳам тегишли илтимос қилишини истисно этмайди. Агар суд ўз ташаббуси билан янги гувоҳлар чақириш, экспертиза тайинлаш, ҳужжатлар ва бошқа қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш тўғрисида ажрим чиқарса, прокурор ҳам бу ҳужжатлар билан ишни давом эттириши ва айтиб бериш пайтда, имкониятга қараб, ишни кўришни асоссиз кейинга қолдириш ҳолатларининг олдини олиши лозим.

Бу борада ҳуқуқшунос олима Д.Довудованинг фикрича, биринчи инстанция судларида прокурор ваколатини таъминлашнинг сифати ва самарадорлигини ошириш учун, аввало, жиноят иши материаллари билан тўлиқ ва пухта танишиш ҳамда шу орқали қўйидаги куникмаларни шакллантириш лозим бўлади;

- ўзининг қатий позициясига ва аниқ режасига эга бўлиш, кучли тактикани қўллаган ҳолда суд жараёнида фаол иштирок этиш, ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона куриб чиқиб, қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб, ўзининг ички ишончи буйича далилларга баҳо бериш, жиноят иши иштирокчиларининг дастлабки курсатувлари мазмун- моҳиятини чуқур ўрганиш ва уларни суд тергов жараёнида солиштириш, жиноят процесси иштирокчиларининг илтимосномаларини куриб чиқиш ва уларни мазмунан ҳал этишда асослантилган фикрини бериш;

- тарафларнинг эътиборини иш буйича мавжуд далилларни синчковлик билан, тула, ҳар томонлама ва холисона текширилишига қаратиш йули билан суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли қабул қилинишига кўмаклашиш зарур бўлади<sup>59</sup>.

---

<sup>59</sup>Довудова Д.С. Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатларини такомиллаштириш масалалари// юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.Т.2020. Б 19

### **2.3. Суд қарорларини ижро қилишда жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда прокурор назоратини самарали ташкил қилиш масалалари**

Суд ҳужжатларини ижро этиш тизимининг одил судловни амалга оширишдаги ўрни шундан иборатки, “суд ҳокимияти унинг учун хизмат қилувчи қатор ёрдамчи функцияларни бажарувчи ёрдамчи кучларга боғлиқ бўлган мураккаб ҳуқуқий институтдир. Ушбу ёрдамчи кучларнинг ўз фаолиятини амалга оширмаслиги суд тизимининг ҳар қандай ваколатларини амалга оширишни қийинлаштиради, уларни кераксиз қилиб қўяди”<sup>60</sup>.

Одил судлов самарадорлиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, давлат ва жамият манфаатларининг таъминланиши иш бўйича чиқарилган суд ҳужжатларининг қонуний, асосли ва ўз вақтида ижро этилишига боғлиқдир.

Суд ҳужжатларини ижро этиш одил судловнинг яқуний босқичи бўлиб, унда суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими, қарори ва ҳал қилув қарорини амалга ошириш ҳамда суд қарорларини ижрога қаратиш ва уларни ижро этиш чоғида юзага келган масалалар суд томонидан ҳал қилинади. Қонуний кучга кирган суд қарорлари ижрога қаратилганда ёки ижро қилинганда, иш бўйича судлов иш юритуви тугалланган ҳисобланади. Суд қарорларини ижро қилиш жараёнида суд томонидан чиқарилган қарорлар ҳаётга татбиқ этилади.

Айнан суд ҳужжатларини ижро этиш жараёнида одил судловнинг асосий вазифалари-ҳуқуқбузарликлар содир қилган шахсларни жазолаш, уларни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш ҳамда у томонидан ва бошқа шахслар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир қилинишининг олдини олиш, шахс, жамият ва давлатнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини тиклаш амалга оширилади.

Жамиятда қонунбузилишларига қарши курашда суд қарорларининг ўз вақтида ва қонуний доирада тўғри ижрога қаратилиши ва ижро қилиниши

---

<sup>60</sup>Рустамбоев М.Х., Никифорова Е.Н. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари. Юридик олий ўқув юртлири дарслик. - Т.: Зарқалам, 2005, Б. 239.

жуда муҳим, зеро, фақат шундагина одил судлов самарадорлиги таъминланади<sup>61</sup>.

Суд қарорларининг ўз вақтида ва талаб даражасида ижро қилиниши жинойт учун жазо самарадорлигининг зарур шартларидан бири ҳисобланади. Акс ҳолда, суд қарорларини кечиктириб ёки талабга мувофиқ бўлмаган ҳолда ижро қилиниши нафақат суд қарорлари самарадорлигини пасайтиради, балки ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишга салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддаси ва Янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими ва қарори ва ҳал қилув қарори барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий характерга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро қилиниши лозим. Қонунда белгиланган бу нормалар қонуний кучга кирган суд қарорларини муваффақиятли ижрога қаратишга ва суд қарорларидаги кўрсатмаларини амалга оширишда ёки татбиқ қилишда учраши мумкин бўлган тўсиқларни бартараф қилишга шароит яратади. Бироқ, қонунда белгиланган бу ҳолатлар ўз-ўзидан суд қарорларини ижро қилинишини таъминловчи давлат органларининг аралашувисиз, суд қарорларини ўз вақтида ва муваффақиятли ижро қилинишини кафолатлай олмайди.

Суд ҳукми, ажрими ва қарорларини ижро этишда қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назорати-бу қонунларни ҳаётга татбиқ этилишини таъминловчи процессуал воситалардан бири ҳисобланади.

Прокуратура органлари суд ҳужжатлари фақат эълон қилиниб қолмасдан, улар қонуний кучга киргач, ижрога қаратилиши ва ижро қилиниши, уларнинг ижроси тегишли қонунлар талабларига мос равишда амалга оширилишини назорат қилади.

---

<sup>61</sup>Пўлатов Б.Х Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жинойт жазоларни ва жинойтга оид ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилиниши устидан прокурор назорати.-2007.Ҳуқуқ ва бурч.-Б.8.



Бу борада Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 28 декабрдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда ҳамда қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 128-сонли буйруғига кўра, – қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг, шунингдек, қамоққа олинганлар ҳамда маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликлар, жиноятчилик ва коррупция ҳолатларини профилактика қилиш ва олдини олиш, уларни содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш прокуратура органларининг соҳадаги асосий вазифалари этиб белгиланган.

Суд ҳужжатларини ижро этиш (ижро жараёни) қонун билан белгиланган тартибда бузилган ёки баҳсли субъектив моддий ҳуқуқларни ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг реал ҳимоясини таъминлаш мақсадида ваколатли органлар ҳуқуқий актларининг мажбурий равишда амалга оширилишидир<sup>62</sup>.

Суд ва бошқа ваколатли органлар ҳуқуқий актларини ижро қилиш ҳуқуқий амалиётнинг муҳим қисми бўлиб, инсонлар ҳуқ-атвориغا ҳуқуқ таъсир қилишини кафолатлаш ифодасидир. Суд ва бошқа ваколатли органлар ҳуқуқий актларининг ҳуқуқ субъектлари томонидан бажарилмаслиги давлат, юридик шахслар ҳамда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бўйича давлат ҳимоясининг мавжуд эмаслигини билдиради.

Шу боисдан, суд қарорларини ижро қилишда жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда прокурор назоратини ташкил қилишда юқоридаги ҳолатларга алоҳида эътибор бериш лозим бўлади.

---

<sup>62</sup> Исполнительное производство. –М.: Городец. Формула права, 1999. -С.2.

## II БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Терговга қадар текширув ва дастлабки терговда, судларда жинойт ишларини юритиш ва суд қарорларини ижро қилишда жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида прокурор жинойт иши бўйича қонуннинг бузилишини, ким томонидан содир этилганлигидан қатъи назар, бартараф этиш учун қонунда назарда тутилган чора - тадбирларни ўз вақтида кўриши шарт.

Бу борада прокуратура органлари жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди, уларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати ва мулкини муҳофаза қилиш учун зарур чораларни кўради.

Мазкур йўналишда прокуратураи органлари Жабрланувчиларга жинойт натижасида етказилган зарарни қоплашни таъминлаш мақсадида фуқаровий даъво кўзғатади ёки кўзғатилган даъвони қўллаб-қувватлайди. Прокурор кўзғатилган фуқаровий даъво ёки келажакда кўзғатилиши мумкин бўлган фуқаровий даъвони таъминлашга қаратилган чораларни ўз вақтида кўрилишини назорат қилади.

Жинойт натижасида етказилган зарарни қоплашда жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя қилиниши устидан прокурор назорати алоҳида ўрин эгаллайди. Прокурор мазкур йўналишда жабрланган шахсларга уларнинг ҳуқуқлари тушунтирилиши ва уларни реал амалга оширилиши таъминланиши устидан назорат олиб бориши лозим бўлади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, терговга қадар текширув ва дастлабки терговда, судларда жинойт ишларини юритиш ва суд қарорларини ижро қилишда жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида жинойтлар тўғрисидаги хабарларга ўз вақтида эътибор бериш ва уларни ҳисобдан яширишга йўл қўймаслик, келтирилган зарарни қоплаш устидан кунлик ва доимий назорат олиб бориши бу борада кенг йўналишдаги ахборот манбаларидан фойдаланиш зарур бўлади.

## **II БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЖАБРЛАНУВЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ**

### **3.1. Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир халқаро стандартларни миллий қонунчиликка тадбиқ қилиш масалалари**

Бутун жаҳон мамлакатлари жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига турлича ёндашмоқда. Масалан, аксарият давлатларда жабрланувчиларга ниҳоятда катта ҳуқуқлар берилган бўлиб, жумладан таъқиб қилишни қўзғатиш ҳуқуқи мавжуд. Айрим мамлакатларда давлат жабрланувчи шахс сифатида намоён бўлиб, компенсация (ҳақ ёки товон) тўлаш ёки таъқиб қилиш билан боғлиқ муносабатлар юзасидан барча қарорларни қабул қилиши кўрсатиб ўтилган. Мазкур икки ёндашув ҳам замонавий халқаро стандартларга мувофиқ келади. Шунга қарамай, ҳозирда жиноят қурбонларига нисбатан қўлланилиши лозим бўлган халқаро минимал стандартлар мажмуи ишлаб чиқилмоқда.

Давлат жабрланувчи шахс ўрнида қараладиган мамлакатларда жабрланувчилар, қоидага мувофиқ, қабул қилинган қарорлар ҳақида хабардор бўлиш ҳуқуқига эга бўлиб, бироқ мазкур ҳолатлар суд таъқибиде етарли даражада муҳим роль ўйнамайди.

Мазкур амалиётнинг аксарият катта қисми жабрланувчилар билан ўзаро муносабатларнинг узоқ ўтмишдаги анъанавий урф-одатлар ва маданиятга асосланганлигидадир.

Анъанавий (одатий) нуқтаи назарга (тушуниш, англаш) кўра, халқаро ҳуқуқда давлат томонидан жиноий таъқибни амалга ошириш аҳоли олдидаги мажбурият ҳисобланади.

Ҳозирда жабрланувчилар ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган бир қанча минимал стандартлар тўплами мавжуд бўлиб, улар доимий равишда такомиллашиб бормоқда. Ўзининг жиноий-ҳуқуқий тизимида одил судловни

амалга ошираётган мамлакатлар бунга қатъий риоя этишлари шарт. Мазкур стандартлар жинойт ишларида айбланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларини ўзида акс эттирган инсон ҳуқуқларига тааллуқли бўлган стандартлар қабул қилингандан сўнг анча кейин ишлаб чиқилган.

Жинойт ишлари бўйича адолатли суд муҳокамасида айбланувчилар ва жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ўртасида ўзаро низо келиб чиқиши мумкин.

Жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ўзида кенг спектрли тушунчаларни ифода этиб, уларни учта мезонга ажратса бўлади:

- жиний таъқибда иштирок этиш;
- жабрланувчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситалари;
- жабрланувчиларни ҳимоя қилиш.

Жабрланувчининг ҳуқуқий мақомига доир халқаро стандартлар ичида 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт ҳамда 1985 йил 29 ноябрда Бирлашган миллатлар ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Жинойт ва ҳокимият суиистеъмолининг қурбонлари учун одил судловнинг асосий принциплари тўғрисидаги декларация муҳим аҳамиятга эга.

1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахс унинг конституция ва қонунлар билан тақдим қилинган ҳуқуқлари бузилган тақдирда тегишли миллий судлар орқали ўзининг ушбу бузилган ҳуқуқларини самарали равишда тиклаш ҳуқуқига эга.

**1966 йил декабрда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 7-моддасига мувофиқ, ҳеч ким азоб-укубатга солинмаслиги ва унга нисбатан шафқатсиз, ноинсоний ёки қадр-қимматини ҳўрловчи муомала қилинмаслиги ёки жазоланмаслиги керак.**

**Жинойт процессида жабрланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро стандартлар ичида 1985 йил 29 ноябрда Бирлашган миллатлар ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган**

Жиноят ва ҳокимият суиистеъмолининг қурбонлари учун одил судловнинг асосий принциплари тўғрисидаги декларация муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу ҳужжатда жиноят қурбони тушунчаси, жиноят қурбонларининг одил судлов ва адолатли муносабатга эга бўлиши, жиноят қурбонларига компенсация ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ стандартлар кўрсатиб ўтилган. Декларация ўзининг мазмунига кўра, жиноят қурбонларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, декларациянинг 14-бандида жиноят қурбонларига моддий, тиббий, психологик ва ижтимоий ёрдамларни ҳукумат ва маҳаллий даражада кўрсатиш лозимлиги қайд этилган.

Жабрланувчилар ҳуқуқларига доир халқаро стандартлар талаблари минтақавий даражада ҳам такомиллаштириб келинмоқда. Хусусан, 1955 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциянинг 13-моддасига мувофиқ конвенцияда кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган ҳар бир инсон, ҳатто буни расмий шахслар содир этган тақдирда ҳам, давлат органи олдида ҳуқуқий ҳимояланишнинг самарали воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Европа Иттифоқи Вазирлар Қўмитасининг 2000 йил 6 октябрдаги R (2000) Тавсиясига мувофиқ, жабрланувчилар давлат айбловчиларининг таъқибни тўхтатиш ҳақидаги қарорлари устидан судга шикоят қилиш имконига эгадирлар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, дунёдаги кўпгина мамлакатларда жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар ҳар томонлама ўзгариб ва ривожланиб бормоқда. Бироқ, бизнинг диққат марказимизда халқаро амалий тажриба муҳим ўрин эгаллайди. Бу борадаги кўпгина принциплар БМТнинг “Ҳокимият ва қоллатини суиистеъмол қилиш ва жиноят қурбонлари учун одил судловнинг асосий принциплари тўғрисида”ги Декларация (**Declaration of Basic Principles of Justice for Victims of Crime and Abuse of Power**)сидан келиб чиқади ва улар қуйидагилар:

– ҳар доим жабрланувчиларга ҳамдардлик билан муносабатда бўлиш ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш;

– жабрланувчиларнинг адолатли, арзон ва тезкор бўлган одил судлов механизмларидан тўлиқ фойдаланиши;

– жабрланувчиларга компенсация талаб қилиш ҳуқуқлари мавжудлиги ҳақидаги тегишли маълумотлар билан хабардор этиш;

– жабрланувчиларнинг суд муҳокамасидаги иштироки ва суднинг якуний қарорлари ҳақида хабардор этиш;

– суд муҳокамаси жараёнида жабрланувчиларга тегишли равишда ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини баён этиш имкониятини тўла яратиш;

– давлат жабрланувчилар ҳаёти ва соғлиги учун муайян даражада хавф тўғрисида бўлганда, уларнинг шахсий ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан барча чора тадбирлар кўриш;

– жабрланувчиларга суд муҳокамасининг барча босқичларида тегишли ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

Келгусида мамлакатимиз ҳуқуқий тизимида жабрланувчининг ҳуқуқий мақомига доир халқаро стандартлар талабларини янада чуқурроқ тадбиқ қилиш учун ушбу стандартлар талабларини ўрганиш бўйича халқаро ташкилотлар вакиллари билан махсус ўқув машғулотларини олиб бориш лозим бўлади.

### **3.2. Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича айрим хорижий давлатларда прокуратура органларининг фаолиятининг қиёсий таҳлили**

Мамлакатимизда жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонун нормаларини такомиллаштиришда бу борадаги хорижий тажрибани қиёсий ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

**Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича айрим хорижий давлатларда прокуратура** органларининг ўзига хос хусусиятлари бўйича фикр билдиришдан олдин шунини айтиш лозимки, прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш соҳасида ҳеч қандай ягона андозалар бўлиши мумкин эмас. Жаҳондаги прокуратура органлари фаолиятини таҳлил қилиш прокуратура фаолияти ва уни ташкил этиш борасида турли хил моделлар мавжудлигини кўрсатади.

Прокуратура органларининг мақоми ва ваколатлари мамлакат, унинг тарихи ва ҳуқуқий маданиятига қараб турлича бўлиши мумкин. Прокуратура органларининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича Европа Кенгашининг Венада 1993 йилда бўлиб ўтган мажлисида прокуратурани бир мамлакатда бошқа мамлакат прокуратураси андозаси бўйича ташкил этишда ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмаслик мумкин эмас, деган хулосага келинди<sup>63</sup>. Чунки прокуратура мақоми, тузилиши, функциялари ва иш шакллари ўзгартириш уйғун тарзда амалга оширилиши, яъни бунда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда фуқаролик жамиятини самарали ҳимоя қилиш учун ҳақиқий кафолатларни яратиш бош мақсад бўлиб қолиши лозим.

<sup>63</sup> Халимов А.Х. Прокуратуранинг давлат ҳокимияти механизми тизимидаги ўрни. Т.: ТДҶОИ.-2006.-Б.52.

Бундан ташқари Россия Федерацияси Бош прокуратураси ва Европа Кенгаши томонидан 1997 йил 8-9 январда Москвада ўтказилган анжуман натижалари шуни кўрсатдики, ҳуқуқий нормаларни унификациялаштириш жараёни юқори бўлган Европа давлатларида ҳам прокуратура органларини ташкил қилиш ва фаолият кўрсатиши бўйича ягона стандартлар мавжуд эмас. Анжуман иштирокчилари ҳар бир давлатда прокуратура органларини ташкил қилишда аниқ ижтимоий-сиёсий шароитларни ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир халқ ҳуқуқий маданиятининг ўзига хос хусусиятлари, миллий анъаналарига асосланмоқ лозим деган хулосага келдилар<sup>64</sup>.

Мисол учун, айтиш мумкинки, Франция, Германия, Бельгия, Италия, Нидерландия, Руминияда прокуратура органларининг асосий функциялари жиноят-судлов ишларини юритиш соҳасига тааллуқли бўлиб, шу боисдан бу давлатларда прокурорлар асосан судлар қошида фаолият кўрсатади.

Бу давлатларда жиноят судлов ишларини юритиш бўйича прокурорларнинг функциясига қуйидагилар киради:

1. Жиноят ишларини кўзғатиш.
2. Жиноят ишларини тергов қилиш, терговни назорат қилиш, терговга умумий раҳбарлик қилиш.
3. Судларда айбловни қувватлаш

Прокурорларнинг жиноят ишларини кўзғатишга доир ваколати кўпчилик ривожланган мамлакатларда мутлақ характерга эга. Жумладан, **ГФР** ЖПКга мувофиқ жиноят ишларини кўзғатиш ваколати прокурорларнинг мутлақ ҳуқуқи ҳисобланади.

**Францияда** ҳам фақатгина прокурор қонунбузарга нисбатан жиноий даъвони давлат номидан ёки ўзининг ташаббуси билан ёхуд келиб тушган ариза, баённома, хабар ҳамда жабрланувчининг шикоятига биноан кўзғатишга ҳақлидир.

---

<sup>64</sup>Прокуратура в правовом государстве. Материалы многосторонней встречи, организованной Советом Европы совместно с Генеральной прокуратурой РФ. М., 1997.



Италияда прокурорнинг бу ваколати ҳатто Конституцияда белгилаб қўйилган<sup>65</sup>.

Бу борада ривожланган давлатлардан Буюк Британиядаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қиладиган бўлсак, ишни кўриб чиқиш жараёнида жабрланувчи турли ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг изчил ва аниқ ҳимоясида бўлади. Олдин унинг иши билан полиция шуғулланиб, улар жабрланувчини сўроқ қилади ва унинг кўрсатмаларини баённомага туширади.

Жабрланувчиларнинг ахборот таъминланиш босқичи бу мамлакатда яхши йўлга қўйилган. Полиция офицерларининг хизмат бурчи доирасига жабрланувчига жиноят қурбонларини қўллаб-қувватловчи ташкилотлар ва маҳаллий ҳокимиятдан олинishi мумкин бўлган ёрдам тўғрисида хабардор қилиш ҳам киради. Полиция жабрланувчига тергов жараёнини бориши, жиноятда гумон этилаётган шахснинг топилганлиги, ишнинг судда кўрилганлигининг натижалари ҳақида ҳам хабар бериб туриши лозим. Шунингдек, полиция зудлик билан маҳаллий жиноят қурбонларини қўллаб-қувватлаш ташкилотларини жабрланувчи ҳақида огоҳлантириб, уларга жабрланувчининг исми, шарифи, турар жой адресини бериши керак<sup>66</sup>.

1976 йил 11 майда Германия Федератив Республикасининг «Зўравонлик жиноятлари оқибатида жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган.

АҚШда 1982 йилдан буён жабрланганларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари Жиноят натижасида жабрланганларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги билль асосида муҳофаза қилинади. Масалан, 1984 йилда АҚШнинг «Жабрланувчини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қонуни асосида Федерал фонд ташкил қилиниб, унинг йиллик сармояси 9 миллиард долларни ташкил қилмоқда. Ушбу маблағ ҳисобидан Нью-Йорк, Мериленд ва Калифорния штатларида жиноятдан жабрланганларга соғлиғини тиклаши, ўқиши,

<sup>65</sup> Олимов Б.Хорижда санкция ва тергов // Қонун ҳимоясида.-2005.-№6.-Б.22

<sup>66</sup>Квашис В.Е., Вавилова Л.В., «Зарубежное законодательство и практика защиты жертв преступлений». М., ВНИИ МВД России, 1996, С.45.

малакасини ошириши ёки хўжалигини таъминлаши учун тўланадиган компенсациянинг энг кам миқдори 1000–5000, энг кўп миқдори эса 10000–15000 АҚШ доллари этиб белгиланган. Фонд жарималар, солиқлар, гаров пуллари, турли давлат божлари, суд харажатлари ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар тўлайдиган йиғимлар ҳисобидан тўлдирилади.

1996 йилда АҚШнинг 50 та штатида Мажбурий реституция тўғрисида конун қабул қилинган. АҚШда фуқаровий даъво институти мавжуд эмас, лекин реституция институти яхши ривожланган ва жиноят жабрдийдаларига етказилган зарарни қоплаш (компенсация ва реституция шаклида) амалга оширилади.

Таиланд Конституциясига асосан, жабрланувчи ёки унинг оиласига давлат Адлия вазирлиги қошидаги махсус фонддан реституция тарзида компенсация тўлайди. Бу фонд ҳуқуқбузарликлар учун тўланган жарималар, маҳкумларнинг иш ҳақлари, жиноий фаолиятдан олинган даромадлар, жиноятчиларнинг хатланган ва сотилган мулки ҳисобидан тўлдириб борилади. Ушбу махсус фонд Таиланд президентининг Декрети (1998.27.05.) асосида ташкил этилган бўлиб, жабрланувчининг даволаниши учун – 400 минг Тайвань доллари (12 минг 400 АҚШ доллари), вафот этган марҳумни кўмиш учун – 300 минг Тайвань доллари, вафот этган жабрланувчининг оиласига ва иш қобилятини йўқотган шахсга – 1 млн Тайвань доллари тўланади.

Ҳозирги вақтда Австрия, Бельгия, Болгария, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Дания, Греция, Ирландия, Испания, Италия, Кипр, Латвия, Литва, Люксембург, Мальта, Нидерландия, Норвегия, Руминия, Словакия, Словения, Финляндия, Франция, Чехия, Швеция, Швейцария ва Эстонияда жабрланувчиларга етказилган зарарни давлат томонидан қоплаш мақсадида ноқонуний топилган даромадлар ва ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун тўланадиган жарималар ҳисобидан махсус «Фонд»лар ташкил этилган.

Ҳуқуқшунос олима Д.Тураеванинг фикрича, Ўзбекистонда бундай Фонднинг ташкил қилиниши республикамиз халқаро

ҳуқуқ стандартларини фаол имплементация қилишидан далолат бериб, мамлакатимиз нуфузига ижобий таъсир кўрсатади. Суд томонидан ундириладиган мажбурий тўловлар, процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун белгиланадиган жарималар, ахлоқ тузатиш ишлари юзасидан суд ҳукмининг қонуний кучга киришидан ёки пул билан боғлиқ жазолардан келган тушумлар, регресс тартибида ундириладиган пул маблағлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ушбу Фонд маблағларининг манбалари бўлиши мумкин<sup>67</sup>.

АҚШдаги жиноят қурбонларининг ҳақ – ҳуқуқлари тўғрисидаги Билль 1980 йилда ишлаб чиқилган. Кейинчалик ва ҳозирги даврга қадар жиноят қурбонлари мақомининг белгиланиши, улар билан муомала қилиш усуллари федерал ва ҳудудий қонунчиликнинг ўзаро келишувига асосан ва деярли барча ҳолларда коллизияларсиз ҳал этилмоқда. Ҳозирда амалда бўлган қонунлар сирасидан биринчи навбатда 1982 йилги жиноят қурбонлари ва гувоҳларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Федерал қонунни кўрсатиб ўтишимиз лозим. Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, федерал адлия тизими барча органларининг жиноят қурбонлари ва гувоҳлари билан муомала қилишининг ҳаққоний ва ҳурматга сазовор стандартларини кўзда тутувчи ушбу қонун Президент Р.Рейган томонидан жабрланувчилар билан уларнинг инсонлик ҳақ – ҳуқуқларини ерга урмасдан муомала қилиш, конфиденциаллик, жиноят қурбонининг суд муҳокамасида қатнашиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳимоя ва ёрдамга бўлган эҳтиёжини қондириш масалалари бўйича ислоҳотлар даврида қабул қилинган эди.

Мазкур қонунда “Жиноятларнинг қурбонлари ва гувоҳлари билан одилона муомала қилишнинг асосий принциплари” сифатида қуйидагилар кўрсатиб ўтилди:

- уларга илк тез тиббий ёрдамнинг кўрсатилиши;
- жиноят процессида уларнинг роли ва ўрнини тушунтириш;

---

<sup>67</sup>Тураева Д.Р. Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштириш мавзусидаги юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.2020. Б.19.

- жабрланувчининг ҳимояси учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қўллана олинмайдиган усуллар тўғрисида, айбланувчининг ушланганлиги ёки қамалганлиги тўғрисида, унинг иш судда кўрилгунга қадар озод этилганлиги тўғрисида, жиноий иш қўзғашни рад этиш ёки уни тамомлаш ҳақида маълумотлар бериш;

- жабрланувчи ёки гувоҳ ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятини унинг ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари билан ҳамкорлиги тўғрисида огоҳлантириш.

Бугунги кунда жиноят қурбонларини ҳимоя этиш тўғрисидаги қонунлар деярли барча Американинг барча штатларда қабул қилинган. Мазкур қонунларга кўра полиция ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бошқа мансабдор шахслари жабрланувчилар билан эҳтиёт бўлиб, уларнинг шахсиятига, руҳиятига зарар етказмаган ҳолда муомала қилиши, жабрланувчиларга ҳурмат билан муомалада бўлишни, балки, улар билан керакли тушунтириш ишларни ҳам олиб боришни талаб этади.

Жабрланувчи исталган пайтда жиноят ишларини олиб бораётган мансабдор шахсдан жиноят иши ҳужжатлари билан танишишни талаб қилиши унинг жиноятчига қандай жазо талаб қилишини сўраши, ўзининг бу ҳақдаги фикрларини айтиш ҳуқуқига эга.

Бунда тегишли мансабдор шахслар жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлайдиган чора-тадбирларни амалга оширишлари зарур.

Қайд қилинган англо-саксон ҳуқуқ тизимга кирувчи давлатларда жиноят процессида жабрланувчининг жиноят ишларининг бориши хусусида ахборот олиш ҳуқуқи процессуал мустаҳкамланганлигини кўриш мумкин.

Айтиш лозимки, айрим ривожланган давлатларда жабрланувчининг жиноят иши қўзғатишга бўлган ҳуқуқларига даъвонинг алоҳида тури сифатида ёндошилиб, даъвони қўзғатиш учун тегишли тартибда муддат белгиланган.

Хусусан, Дания қонунчилигига кўра, жабрланувчининг жиноий таъқибни қўзғатишга бўлган ҳуқуқи унга ҳуқуқлари бузилганлиги маълум бўлиб қолганидан бошлаб, 6 ойлик муддат ичида амалга оширилиши лозим<sup>68</sup>.

Айрим давлатларнинг қонунчилигида эса, жабрланувчига жиноят ҳақидаги ариза ва хабарни қайтариб олиш ҳуқуқи ҳам берилган.

Хусусан, Норвегия қонунчилигига мувофиқ, жабрланувчи жиноят ҳақидаги аризасини шахсга айблов эълон қилингунга қадар қайтариб олиши мумкин.

Шунингдек, мазкур давлат қонунчилигига кўра жиноят ҳақидаги ариза қайтариб олинганидан кейин қайта мурожаат қилиниши мумкин эмас.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, юқорида таҳлил қилнган хорижий давлатлар тажрибаси асосида, жабрланувчининг жиноят ишининг бориши бўйича ахборот олиш ҳуқуқларини кенгайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 55-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хусусан, бу борада жабрланувчининг суриштирув ёки дастлабки терговнинг исталган босқичида ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида давлат ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш ҳуқуқларини процессуал қонунчиликда белгилаш зарур бўлади.

---

<sup>68</sup>Олейник В.В. Участие потерпевшего в уголовном преследовании. Дисс... на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Хабаровск. 2020.С 105.

### III БОБ бўйича хулоса

Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш давлатимиз юритаётган ижтимоий сиёсатнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади ҳамда мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо қилиш мақсадини белгилайди.

Фуқароларимиз учун Конституция ва қонунларимизда назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликларнинг таъминланиши, кафолатланиши ва самарали ҳимоя этилиши инсон учун қулай ҳамда эркин ҳаёт даражасини белгилаб беришнинг муҳим шартларидан бўлиб саналади.

Инсон ҳуқуқларига оид умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга ва миллий қадриятларга асосланиб миллий ҳуқуқий тизим ривожланаётганлиги мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқларига содиқлигининг ёрқин намунасидир. Давлатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб инсон ҳуқуқларига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни миллий қонунчиликка имплементация қилиб, уни ижтимоий ҳаётда жорий этиб бораётганлиги, инсон ҳуқуқларига оид институционал тузилмаларнинг давлат ва нодавлат шаклида ташкил этилиб самарали фаолият юритаётганлиги ҳам ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Энг муҳими, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистон сиёсати халқаро ҳамжамият томонидан ҳам қизғин қўллаб-қувватланаётганлиги республикаимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг исботидир. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар ҳам пировардида инсон

хуқуқлари устиворлигидан келиб чиқиб ижтимоий ҳаётга татбиқ этилаётганлиги, бундай эътирофнинг ифодасидир.

Халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси” одоб-ахлоқ ва ҳуқуқий маданият алифбосидир, десак муболаға бўлмайди. Унинг муқаддимасида инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос кадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлиги белгиланган. Мазкур Декларациянинг 1-моддасига кўра, ҳамма одамлар ўз кадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин, бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак. Шунингдек, қайд этилган Декларациянинг 29-моддасига мувофиқ, ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилишини таъминлаш, ахлоқ, жамоат тартиби, умумфаровонлигининг одилона талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши керак.

Шу боисдан келгусида мамлакатимизда **жабрланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро стандартлар ва уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалаларини таҳлил қилиб беришга алоҳида эътибор бериш лозим бўлади.**

## ХУЛОСА

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳурматли Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуслари билан жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларни ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6041-сонли Фармони ҳамда 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида жиноятдан жабрланган шахсларга етказилган зарарни қоплашга кўмаклашишнинг самарали механизмларини ўрнатиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш ҳолатлари юзасидан зудлик билан зарур чоралар кўриш; жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, муурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича барча зарур чораларни кўриш вазифаси белгилаб берилди.



2019 йил 14 январь куни қабул қилинган «Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ–515-сонли Қонуни жабрланувчиларнинг ҳаёти, соғлиғи, кадр-қиммати ҳимоясини кафолатлайдиган чора-тадбирлар мажмуини ўзида мужассамлаштирган амалий механизмнинг ишлаб чиқиши ва уларнинг амалий таъсирчанлигини таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Қайд қилинган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда прокуратура органларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги боис, мазкур тадқиқот ишида ушбу мавзу билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчилик ҳужжатлари таҳлил қилиб берилди.

Ушбу таҳлил асосида қуйидаги назарий хулоса ва таклифлар илгари сурилмоқда:

**Биринчидан**, прокуратура – қатъий марказлашган, кўп функцияли, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашга ихтисослашган орган ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисидаги» Қонунида инсон ва фуқаролар ҳуқуқ эркинликларига риоя этилиши устидан назоратнинг прокуратура фаолиятидаги мустақил йўналиш сифатида ажратилиши унинг ҳозирги шароитда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ролини аҳамиятли даражада кучайтирилганлигининг исботидир.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бевосита прокурорнинг тезкор-қидирув, суриштирув, дастлабки тергов органлари фаолияти, ушлаб турилганларни сақлашнинг қонунийлиги, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллашнинг қонунийлиги, ҳукмларнинг ижросининг қонунийлиги устидан назорат фаолиятини қамраб олади ва жиноий таъқиб функцияларини бажаришни назорат қилиши борасида ҳам амалга оширилади. Прокурор томонидан ҳар қандай қонунбузарликка нисбатан чора кўрилиши талаб этилади, лекин ҳар қандай шароитда ҳам фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва бошқа қонунларда мустаҳкамланган процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари прокурор томонидан ҳимояланиши зарур.

**Иккинчидан,** жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокурорлар жиноят ишларини ўрганишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига катта эътибор қаратишлари лозим бўлади, чунки бу ҳуқуқлар бошқа қонунлар билан бир қаторда шахснинг ҳуқуқий мақомини ташкил этади ва нафақат процессуал, балки ташкилий характерга ҳам эга бўлади. Прокурор жабрланувчининг ҳуқуқларини таъминлашда жиноят-процессуал қонун нормаларига, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг амалдаги буйруқлари, кўрсатмалари, низом ва йўриқномаларига, ҳамда ва «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 25, 28-моддаларига асосланиб фаолиятларини ташкил этишлари лозим.

**Учинчидан,** жабрланувчининг ҳуқуқларини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши кўп жиҳатдан жазонинг муқаррарлигини таъминлаш бўйича судларда прокурор-давлат айбловчиси фаолиятининг тўғри ва самарали ташкил қилинишига боғлиқ бўлади.

**Тўртинчидан,** прокурорлар жиноят процессида қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширишда жабрланувчи ҳуқуқлари қай даражада кафолатланаётганлигига асосий эътиборни қаратишлари талаб этилади.

Келгусида бу борадаги фаолиятни янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ деб топилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 55-модда 1-қисмини қуйидагилар билан тўлдириш керак. “Жабрланувчи: эълон қилинган айблов мазмуни билиш ва унинг юзасидан ўз фикрини билдириш; жиноят ишини тўхтатиш тўғрисидаги қарор ва айблов хулосаси билан танишиш ҳамда кейнчалик улардан нусха олиш; суд мажлисида амнистия актини қўллаш ҳақидаги масалани ҳал этишда иштирок этиш ҳамда суд ажрими устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир”.

2. Бугунги кунда амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига мувофиқ, жиноят ишлари бўйича

фақатгина гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига нисбатан бепул юридик ёрдам кўрсатиш белгиланган.

Бироқ, бугунги кунда жиноят оқибатида етказилган зарар туфайли айрим ҳолларда жабрланувчилар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ҳимоя қилишда қийинчиликларга учрамоқда.

Бу борада айтиш лозимки, 1985 йил 29 ноябрда БМТ томонидан қабул қилинган “Мансаб ваколатини суистеъмол қилганлик ва жиноятлар қурбонлари учун одил судловнинг асосий принциплари тўғрисида”ги Декларацияда ҳам жабрланувчиларни ҳимоя қилиш воситаларини такомиллаштириб бориш лозимлиги кўрсатилган.

Шу боисдан, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 55-моддаси 1-қисмига кам таъминлаган ва ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қийналаётган жабрланувчиларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилиши хусусидаги нормани киритиш лозим бўлади.

**3. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 388-модда 2-қисмини:** “...Айни вақтда прокурор ёки унинг ўринбосари айбланувчига, ҳимоячига ва **жабрланувчига** айблов хулосаси ва унга қилинган иловаларнинг тасдиқланган нусхаларини юборади, суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхати бундан мустасно, башарти айблов хулосасига ёки иловага ўзгартишлар киритилган бўлса, уларни ўзгартириш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси ҳам юборилади” деб баён этиш зарур.

**4. Амалдаги Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 409-моддаси 4-қисмига кўра,** суд муҳокамаси натижасида прокурор суд тергови маълумотлари судланувчининг айбсизлигидан далолат беради деган ишончга келса, у айбловдан воз кечиши ва воз кечиш сабабларини судга баён қилиши шарт. Прокурорнинг айбловдан воз кечиши суд томонидан жиноят ишини реабилитация асосларига кўра тугатишга сабаб бўлади.

Бизнинг фикримизча, бу борадаги нормаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритган ҳолда жабрланувчига прокурорнинг айбловдан воз кечишига рози бўлмаган ҳолларда умумий асосда суд муҳокамасини давом

қилдиришни талаб қилиш ҳуқуқини тақдим қилиш ва ушбу асосда суд томонидан жиноят ишини кўриб чиқилиши тартибини белгилаш зарур.

5. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 590-модда 4-қисмини:” Суд мажлисида амнистия актини қўллаш ҳақидаги масала қайси шахсга нисбатан қўйилаётган бўлса, ўша шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, **жабрланувчи**, шунингдек агар ишда қатнашаётган бўлса, уларнинг ҳимоячилари, **вакиллари** ва қонуний вакиллари иштирок этади” деб баён этиш лозим.

6. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида жабрланувчининг ҳуқуқлари кафолатларини кучайтириш учун кодекснинг 497<sup>22</sup>-моддасидаги жиноят-процессуал қонун нормаларининг жиддий бузилишлари қаторига жабрланувчини иш ҳужжатлари билан таништирмаслик, таржимон билан таъминламаслик каби ҳолатларни ҳам киритиш зарур.

7. Суд қарорларини ижро қилиш босқичида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоясини кенгроқ таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 542-моддасига ҳукми ижро этиш тўғрисидаги масалалар судья томонидан прокурор ҳамда маҳкум иштирокида жабрланувчига олдиндан хабар қилинган ҳолда суд мажлисида ҳал қилиниши хусусидаги нормани киритиш зарур.

8. 1985 йил 29 ноябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Жиноят ва ҳокимият суиистеъмолининг қурбонлари учун одил судловнинг асосий принциплари тўғрисидаги декларация талабларини махсус курслар доирасида чуқурроқ ўрганиш ва ушбу халқаро стандартни ратификация қилиш лозим.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

### **I. Раҳбарий адабиётлар:**

1.1 Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2016. -56 б.

1.2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017.-104 б.

1.3 Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил.

1.4 Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2018 йил.

1.5 Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Т. 2. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. 508 б.

## **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

2.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2020. –72 б.

2.2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

2.3 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

2.4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-модда.

2.5. [Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 22 июндаги ПФ-6012-сон Фармони // \(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.06.2020 й., 06/20/6012/0953-сон\).](#)

2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 24 июлдаги ПФ–6034-сон

Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2020 й., 06/20/6034/1103-сон.

2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сонли қарори.

2.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // “Халқ сўзи” газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сонида эълон қилинган.

### **III. Диссертациялар ва диссертация авторефератлари**

3.1. *Акрамходжаев Б. Т.* Обеспечение прав и законных интересов потерпевшего на предварительном следствии: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., 1992. С. 11.

3.2. Ачилов С.М. Усиления защиты прав потерпевшего в уголовном процессе. Монография/ под общей редакцией д. ю. н., проф. Г. Абдумажидова.-Т.:ТГЮИ, 2011. – 156 с.

3.3. Вавилова Л.В. Организационно-правовые проблемы защиты жертв преступлений (по материалам зарубежной практики). дисс. канд. юрид. наук.-М. 1995.

3.4. Варнавский Д. А. Проверка сообщения о преступлении: генезис и перспектива: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2017. С. 47–48; и др.

3.5. Василенко Н.Н. Правовое положения потерпевшего в уголовном процессе России. дисс. канд. юрид. наук. М.2005.

3.6. Голиков О.В. Совершенствование российского законодательства в сферы защиты потерпевшего в уголовном процессе. дисс. канд. юрид. наук.

М.2003.

3.7. Демченко Е.В. Участия потерпевшего и его представителя в доказывании. дисс. канд. юрид. наук.-М.2001.

3.8. Довудова Д.С. Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатларини такомиллаштириш масалалари// юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.Т.2020. Б 19

3.9. Касимов А.А. Потерпевший по уголовно-процессуальному законодательству Узбекской ССР. Автореф. Дисс. ...канд. юрид. наук. Ташкент,1965.-25 с.

3.10. Кожокаръ В. В. Возбуждение уголовного дела: вопросы теории и практики: дис. ... канд. юрид.наук. М.,2016. С. 60; *Варнавский Д. А.* Указ. соч. С. 48.

3.11. Олейник В.В. Участие потерпевшего в уголовном преследовании. Дисс...на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Хабаровск. 2020.С 44.

3.12. Маматов Х.Т. Темур Тузукларида давлат ва ҳуқуқ масалалари. Юрид. фан. ном. дисс... автореф. –Т., 2000. –Б.17.

3.13. Сиверская Л. А. Рассмотрение информации о преступлениях: правовое регулирование и процессуальный порядок: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2014. С. 70.

3.14. Тураева Д.Р. Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштириш. юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.2020.

3.15. Тухташева У.А. Апелляционное производство в уголовном процессе Республики Узбекистан: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. – Т.: ТГЮИ, 2006. – С. 4.



**IV. Илмий мақолалар, рисоалар, даврий нашрлар ва монографиялар**

- 4.1. Аликперов Х. Д. Освобождение от уголовной ответственности. М., 2001. С. 48–49.
- 4.2. Аширбекова М.Т. Публичность уголовного процесса // Новая идеология в законодательстве. 2004. - № 1. – С.243.
- 4.3. Базарова Д.Б. Жиноят процессида жабрланувчилар ҳуқуқларининг процессуал кафолатлари// YURISPRUDENSIYA | ЮРИСПРУДЕНЦИЯ | JURISPRUDENC.№1.2022.14 б.
- 4.4. Баршев Я. И. Основания уголовного судопроизводства с применением к российскому уголовному удопроизводству. М., 2001. С. 83.
- 4.5. Безлепкин Б.Т. Комментарий к Уголовному процессуальному кодексу Российской Федерации. Кнорус -М.: 2004. – С.71
- 4.6. Бессарабов В.Г Прокурорский надзор. Учебник .М.: Изд-во Проспект. 2007.-С.259
- 4.7. Бобоев Х, Дўстжонов Т, Хасанов С. «Авесто»- Шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги. -Т.: ТМИ, 2004. –Б.13.
- 4.8. Божьев В. К вопросу об обеспечении потерпевшему доступа к правосудию. Уголовное право. 2003. - № 3. -С.80.
- 4.9. Бутковский А. Участие потерпевшего и полиции в судебно-мировом процессе//Вестник права.1903. № 1. С. 189–191
- 4.10. Голубцов А. К вопросу о делах частного обвинения // Журнал Министерства юстиции. 1900.№ 10. С. 139.
- 4.11. Даневский, В. П. Наше предварительное следствие, его недостатки и реформа/. – М.: Высочайше утв. Т-во Скоропечатни А. А. Левенсон, 1895. С.6
- 4.12. Таубер Л. Я. Иск, обвинение и состязательное начало (Процессуальные параллели)//Вестник гражданского права. 1917. № 1. С. 78–81.

- 4.13. Дикарев И. С. Диспозитивность в уголовном процессе России. Волгоград, 2005. С. 105.
- 4.14. Духовской М.В. Русский уголовный процесс. – М., 1902. – С. 199.
- 4.15. Жук.О.Д. Формы и виды уголовного преследования //Вестник Московского университета МВД России. – 2015. – № 11. – С. 108.
- 4.16. Иноғомжонова З.Ф. Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси иштирокчилари. Ўқув қўлланма./ю.ф.д. проф. М.Ҳ. Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. – Б. 25
- 4.17. Исполнительное производство. –М.: Городец. Формула права, 1999. -С.2.
- 4.18. Квашиш В.Е., Вавилова Л.В., «Зарубежное законодательство и практика защиты жертв преступлений». М., ВНИИ МВД России, 1996, С.45.
- 4.19. М.Хамидова. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи/Масъул муҳаррир: Ҳ.Б.Бобоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти. 2004. Б.30
- 4.20. Макаров С. О теории и практике квалификации взяточничества и коммерческого подкупа //Уголовное право. 2000. № 3. С. 27.
- 4.21. Марогулова И.Л. Амнистия и помилование в российском законодательстве. М., 1998. С. 8.
- 4.22. Николюк В. В., Кальницкий В. В., Марфицин П. Г. Стадия возбуждения уголовного дела (В вопросах и ответах): учебное пособие. Омск, 1995. С. 5;
- 4.23. Олимов Б.Хорижда санкция ва тергов // Қонун ҳимоясида.-2005.-№6.-Б.22
- 4.24. Питерцев С.К. Составление обвинительного заключения. Учебное пособие. СПб., 1998. С. 5.
- 4.25. Познышев, С. В. Элементарный учебник русского уголовного процесса //С. В. Познышев. – М.: Тип. Г. А. Лемана, 1913. С.72
- 4.26. Полянский, Н. Н. Процессуальные права потерпевшего / Советское государство и право. – 1940. – № 12. – С.66

- 4.27. Пономаренков В.А., Николайченко В.В., Громов Н.А. Процессуальная форма доказывания. // Следователь. -1998. -№9. –Б.29
- 4.28. Прокуратура в правовом государстве. Материалы многосторонней встречи, организованной Советом Европы совместно с Генеральной прокуратурой РФ. М., 1997.
- 4.29. Пўлатов Б.Х Ушлаб турилганларни, қамокқа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноятга оид ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя қилинши устидан прокурор назорати.-2007.Ҳуқуқ ва бурч.-Б.8.
- 4.30. Резон, А. К. О потерпевшем по Уставу уголовного судопроизводства// Юридическая летопись. – 1892. – № 12. – С. 364.
- 4.31. Руководство для государственного обвинителя. Криминалистический аспект деятельности. Ч.1 СПб., 1998., С. 34-39.
- 4.32. Рустамбоев М.Х.,Никифорова Е.Н.Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари.Юридик олий ўқув юртлари дарслик.- Т,;. Зарқалам , 2005, Б. 239.
- 4.33.Случевский В. К. Учебник русского уголовного процесса. Судостроительство–судопроизводство. 3-е изд., перед. и доп. СПб., 1910. С. 493
- 4.34. Случевский, В. К. Учебник русского уголовного процесса. Судостроительство– судопроизводство. 3-е изд., перед. и доп. / СПб.: Тип. М. М. Стасюлевича, 1910.С.493
- 4.35. Строгович М. Уголовные дела, возбуждаемые по жалобе потерпевшего // Еженедельник советской юстиции. 1926. № 41. С. 1185
- 4.36. Судебные уставы 20 ноября 1864 года, с изложением разсуждений, на коих они основаны. Часть вторая. СПб., 1866. С. 28.
- 4.37. Ундревич В. С. Права и функции сторон по Уголовному Кодексу РСФСР // Ученые Записки Саратовского государственного университета. 1926. Т. V. Вып. 3. [Отдельный оттиск]. С.67
- 4.38.Фойницкий И. Я. Курс уголовного судопроизводства. Т. I.С. 63–64
- 4.39. Халимов А.Ҳ.Прокуратуранинг давлат ҳокимияти механизми

тизимидаги ўрни.Т.:ТДЮИ.-2006.-Б.52.

4.40. Хидоя. Комментарий мусульманского права. Перевод с англ. Под ред. Н.И.Гродекова.-Т.: 1893.-Б.65.